

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР
БАДИЙ ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ

**“ЁШ ЖУРНАЛИСТ ВА НОТИҚ” ТЎГАРАГИ
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ**

ТОШКЕНТ-2014

Муаллиф: М.Жўраева – “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази маданий оммавий тадбирлар ташкилотчиси, журналист

Такризчилар: О.Фармон – Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчиси

Н.Шомансурова - “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази директор ўринбосари

М.Орзиева - “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази тўғарак раҳбари

Ушбу ўқув қўлланма Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 3 сентябрдаги 259-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Дўппидўзлик” тўғараги ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Мазкур ўқув қўлланма “Баркамол авлод” болалар марказлари, таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари ва маҳаллалар қошида ташкил этилган “Дўппидўзлик” тўғарак раҳбарлари учун тавсия қилинади.

Ушбу ўқув қўлланма Республика Таълим маркази ҳузуридаги “Маънавий-маърифий ишлар” йўналишидаги Илмий методик кенгашнинг 2013 йил 13 августдаги навбатдан ташқари 6-сонли йиғилиш қарори билан фойдаланишга тавсия этилган.

“Ёш журналист ва нотик” тўгараги биринчи ўқув йили қўлланмаси

1. Кириш

“Ёш журналист ва нотик” тўгараги ёш авлодни ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, маънавий баркамол бўлиб тарбияланиши учун хизмат қилади. “Ёш журналист ва нотик” тўгараги кенг қиррали бўлиб, ўз ичига тележурналистика, радиожурналистика, матбуот журналистикаси ва интернат журналистикаси каби бўлимларни қамраб олади. Бу эса жойлардаги шарт-шароит, имкониятлар ва ўзига хос томонларни ҳисобга олиб, турли йўналишдаги тўғараклар очиш имкониятини беради. Тўғарак машғулоти маъруза, суҳбат, турли учрашувлар, амалий машғулоти орқали олиб борилади.

“Ёш журналист ва нотик” тўгарагига келган ҳар бир ўқувчи энг аввало мустақил бўлишни, ўз фикрини мустақил айта олишни, шеър, ғазал ўқиш қоидаларини, микрофон билан ишлаш, камера билан ишлаш, мақола билан ишлаш қоидаларини ўрганиб чиқади. Шу билан бир қаторда турли тадбирларни олиб бориш малакасига ҳам эга бўлади. Уюштирилган турли тадбирлар, саёҳатлар орқали болалар ўзи қизиққан соҳага яқинлашиб, унинг спецификаси билан танишади. Мустақиллик шарофати билан бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий ўзгаришлар моҳиятини англаб етадилар. Миллий урф-одатлар, қадриятларимиз билан бевосита танишадилар. Мазкур соҳада ижод қилган алломаларимиз, устоз адиблар ва сухандонлар ҳаёти ва ижодини ўрганадилар. Шу билан бир қаторда тарих, она тили ва адабиёт, мусиқа каби фанлардан олган билимларини мустаҳкамлайди.

Бунда тўғарак раҳбарининг ташкилотчилик қобилияти, билимдонлиги алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун тўғарак раҳбари ўз соҳасини мукамал билиши, бугунги кундаги янгиликлардан бохабар бўлиши лозим. Тўғарак раҳбарлари буюк аждодларимиздан Алишер Навоий, Бобур, Нақшбандий, Амир Темур, Аҳмад Яссавий, Нодирабегим, Увайсий каби алломаларимиз тимсолида тарихимиздаги юксак маънавий муносабатларни ўргансалар, замондош олимлар, журналистлар, сухандонлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш билан бирга билим доирасини кенгайтирадилар, келажакдаги касб йўналишларини танлайдилар.

XXI аср жаҳон ҳамжамияти томонидан “ахборот коммуникациялари асри” деб эътироф этилмоқда. Бундай шароитда билим, ахборотга эгалик, ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқалар устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради. Компьютер техникасининг кириб келиши туфайли инсоннинг ўз устида ишлаши, малакасини оширишга интилишига асосланган фикрлаш, билим олишнинг янги кўриниши юзага келди.

Жамият ҳаётига ахборот технологияларнинг кенг даражада кириб келиши фуқароларга ахборот олишга бўлган имкониятлар эшигини очиб берди. Мазкур

Ўзгаришлар биринчи навбатда, янги ахборот коммуникация технологиялари таъсири остида юз бериб, инсон фаолиятининг ҳар бир соҳасида ахборотга бўлган эҳтиёжининг ортиши билан тавсифланади. Бугунги кунда мутахассислар ахборот технологиясининг асосий белгиси сифатида маълумотни қайта ишлаш жараёнининг муайян босқичларга бўлинишини эътироф этадилар. Бу эса, ўз навбатида, ушбу жараённинг батамом тартибга солиниши ва уни автоматлаштирилган ҳолга ўтказилиши учун янги имконият яратиб берди.

Ҳозирда журналистикани ахборот технологияларсиз тасаввур қилиш қийин. ОАВнинг қайси турига назар ташламанг, ахборотни истеъмолчига узатиш жараёнида, айнан ахборот технологияларидан кенг фойдаланилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Айни пайтда ахборот технологияларининг унга асосий тамойили мавжуд.

компьютер билан интерактив режимда ишлаш;

бошқа дастурларга интеграциялаш, яъни ўзаро алоқада бўлиш;

ўз олдида қўйилган мақсаддан четлашиш имкони (янги сифатга эга бўлган ахборотни яратиш).

Айнан мана шу тамойиллар қўлланилиши натижасида ахборот тизими, яъни компьютер техникаси ишлатилган ҳолда, қарор қабул қилиш ва ахборот ишлаб чиқариш фаолиятини қўллаб-қувватловчи тизим тавсифланади. Албатта, ҳар қандай соҳа сингари интернет журналистикаси ҳам ўз тарихига эга бўлиб, у ахборот технологияларининг ривожланиш босқичлари билан чамбарчас боғлиқдир. Бу соҳани тақдим этаётган олимларнинг (Вартанова.Е.Л. Медиаэкономика зарубежных стран. М., Феникс, 2004; Горный.Е., Шерман.А. Инфократия, или конец отчужденного труда. <http://www.гуелман.ру/обзор/горный.тмл>; Исторические материалы онлайн-журнала “Интернет”: www.интер.нет.ру; Андриянов.С. Создание и продвижение е-версии СМИ. <http://www.медиа.ру>.) фикрига кўра журналистикани компьютерлаштириш унда кўл меҳнати ва техник воситаларнинг қўлланилиши, ахборот вазифалари ҳамда жамиятни ахборотлаштиришдаги муаммолар бўйича уч турга бўлинади. Яъни:

Инсон томонидан фойдаланилган асбоблар бўйича (Полное онлайн-пособие по интернет журналистике www.жоурнализм.ру):

1-босқич (19 асрнинг иккинчи ярмигача.) - “қўл меҳнати” орқали яратилган ахборот технологиялардир. Асбоблар— қалам, қоғоз, китоб. **Коммуникация** элчи, қушлар орқали хат жўнатиш, почта алоқаси.

2-босқич (19 асрнинг охиридан XX асрнинг 40-йилларигача.) – “механик” технология. Асбоблар – ёзув машинкаси, телефон, телеграф, репортёр. **Коммуникация** – почта, телефон ва телеграф орқали ахборот жўнатиш, радио орқали ахборот олиш.

3-босқич (XX асрнинг 40-60-йиллари) – “электр қувватига асосланган” технология. Асбоблар – катта ЭҲМлар, нусха кўчириш аппарати, электр ёзув машинкалари, репортёрлар, диктофонлар.



Коммуникация – телеграф, телефон, почта, радио, ТВ. Бу босқичда технологиянинг мақсади ўзгаради. Ахборот бериш ва олиш сифати ошади.

4-босқич (1970-1990-йиллар) – “электрон” технология. Асбоблар– портатив диктофон, шахсий компьютер, бошқарувнинг автоматлаштирилган тизими ва ахборот-қидирув тизимлари.

Коммуникация – интернет, электрон почта, тармоқ.

5-босқич (1990-йиллардан ҳозиргача) – “рақамли” (“янги”) технология. Асбоблар – рақамли фотоаппарат, рақамли диктофон, рақамли камера, мобил алоқа телефони, интернет, ноутбук ва бошқалар.

Коммуникация – СМС, электрон почта, интернет, видеофонет, глобал ва локал компьютер тармоқлари.

Ахборотнинг вазифалари ва уларни қайта ишлаш турлари бўйича бўлинганда:

1-босқич. (ўтган асрнинг 60-70-йиллари)–ахборотни ҳисоблаш марказларида қайта ишлаш.

2-босқич (ўтган асрнинг 80-йилларидан ҳозиргача)–стратегик вазибаларга йўналтирилган ахборот технологияларининг яратилиши.

Жамиятни ахборотлаштириш борасидаги муаммолар бўйича бўлинганд (Вартанова.Е.Л. Медиаэкономика зарубежных стран. М., Феникс, 2004; Полное онлайн-пособие по интернет журналистике www.жоурнализм.ру.):

1-босқич (ўтган асрнинг 60-йилларигача) техник жиҳатдан чекланган имкониятлар шароитида ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш. **Муаммо** – техника етишмовчилиги, вақт йўқотилиши, ахборотнинг эски бўлиб қолиши.

2-босқич (ўтган асрнинг 70-йилларининг охиригача) ИБМ/360 русумидаги электрон ҳисоблаш машиналарининг тарқалиши. **Муаммо** – дастурлаштириш техника воситаларидан орқада қолаётганлиги.

3-босқич (ўтган асрнинг 80-йиллари)–компьютернинг оммалашуви. Ахборот тизимлари қарор қабул қилиш воситаси бўлиб хизмат қила бошлайди. **Муаммо**– истеъмолчини тўлиқ қаноатлантира олмаслиги.

4-босқич (ўтган асрнинг 90-йиллари.)–ахборот тизимларининг шаклланиши ва ривож. **Муаммо**-ахборот хавфсизлигини таъминлаш, глобал ахборот хавфсизлиги маконини яратиш.



Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ОАВлар табиатини тубдан ўзгартириб юборди. “Оммавий ахборот воситалари” атамасининг ўзи янгича мазмун билан бойиди. Бугунги кунда у ўзида анъанавий масс-медияларни, оммавий аудитория билан ишловчи глобал телекоммуникация тармоқлари ва технологияларини – ПР, реклама ва бошқаларни бирлаштирган бир бутун тизимдир.

Масс-медиялар таркибини бутунжаҳон ўргимчак тўрининг уйидаги характеристикалари ўзгартириб юборди: *интерактивлик* (диалоглилик Тармоқнинг технологиясига жойланган), *мултимедиявийлик* (матн билан бир вақтда овозли, тасвири ва бошқа шаклдаги белгилари тизимларни қўллаш имконияти), *алоҳида ёндашув* (маълум бир ўқувчи ёки ўқувчилар гуруҳининг эҳтиёж ва талабларини эътиборга олиш имконияти туғилди), *ўлчовлилик*

(тармоқда эълон қилинган у ёки бу материалнинг оммавийлигини аниқлаш имкониятини берувчи махсус воситалар, масалан, хабарларни ҳисоблагич мавжуд), ўзгарувчанлик (материални турли шаклларда баён этиш, уни тезда янгилаш имкониятини беради, фойдаланувчиларга эса саҳифа қурилишида иштирок этиш имкониятини яратади), *ўзаро боғлиқлик* (интернет-мақолалардаги гиперматнли тузилиш жуда кўп миқдордаги турли-туман ахборот блокларини ўзаро боғлаб туради), *тежамкорлик* ва бошқалар.

Ахборот-коммуникация технологияларининг яна бир муҳим элементи рақамлаштириш, яъни ОАВ мазмунини рақамли форматга ўтказишдир. Газета матнлари компьютерда терилади ва интернетда уларнинг электрон версияларига кириш мумкин. Рақамли радио частоталар сонини кўпайтиради ва уни интернетга уланиб, компьютер орқали ҳам тинглаш мумкин бўлади.

Телевидение ҳам рақамли форматга ўтиб бормода. Бу ҳол барча анъанавий ОАВларга кириш ва улардан фойдаланиш имкониятини осонлаштиради ҳамда кенгайтиради.



Ўзбекистонда анъанавий ОАВ электрон шаклларининг пайдо бўлиши

Тарихнинг кўрсатишича, интернет-ресурслар ва ҳатто ОАВларнинг интернет-мобилларини ҳамма вақт ҳам интернет-ОАВларга тааллуқли бўлган дея олмаймиз. Бугунги интернет-нашрларнинг илк кўринишлари электрон эълонлар тахталари (VBS) ва янгиликлар гуруҳлари (Newsgroups) бўлган. Улар интернетнинг илк йилларида пайдо бўлиб, мавзусига кўра тақсимланган ва вақти-вақти билан янгилаб турилган. Кейинчалик интернет-ОАВлар спектри ғайриоддий тарзда кенгайди ва интернетда анъанавий медиа-тузилмалар ҳамда ўзига хос тармоқли тизимлар ажралиб кўрина бошлади.

АҚШда биринчи электрон газета 1990-йилда пайдо бўлиб, «The Electronic Club» деб номланган. Шундан сўнг оммавий нашрларнинг электрон наъмуналарини яратиш борасида ҳақиқий портлаш юз берди (The Wall Street Journal, Los Angeles Times, ва б.). Рақамларнинг кўрсатишича, агар 1995-йилнинг бошида электрон газеталар сони 100 та бўлган бўлса, 1996-йил бошида улар сони 815 тага етган, 1996-йил ўрталарида эса 1115 та бўлган. 1999-йилда AJR Newslink компаниясининг маълумотлар базасида 4925 та тармоқ газеталари мавжуд эди. Улар орасида фақатгина электрон шаклдаги нашрлар ҳам талайгина эди. Журналларнинг электрон шакллари (Businessweek, Editor & Publisher, etc.). Ахборот агентликларининг, телерадиокомпанияларнинг сайтлари яратила бошланди. Телерадиокомпанияларнинг интернет-лойиҳаларига нисбатан босма ОАВларнинг электрон намуналари анча муваффақият қозонди.

Ўзбекистонда «Народное слово», «Правда Востока», «Зеркало XXI» газеталари биринчилардан бўлиб, ўзларининг электрон нусхаларини яратишга киришдилар. Аммо барча босма нашрларда ҳам (ҳатто ўзининг веб-сайтига эга бўлганларида ҳам) Интернет нусха етакчи деб қаралмаслиги ҳолати кузатилади. Бу нарса газетанинг босма нусхасидаги барча материалларнинг ҳам веб-сайтга жойлаштирилмаслигида, веб-саҳифа мунтазам янгилаб борилмаслигида кўринади.



Бугунги кунда интернет журналистика

Медианинг мазкур турини таърифловчи атама борасида кўплаб турлича фикрлар мавжудлигини қайд этиб ўтиш лозим. Россиялик назариётчиларнинг бир қисми тармоқ журналистикаси тушунчасининг тарафдоридир. Инглизчабон олимлар ва амалиётчилар эса он-лайн, ёки кибер-журналистика (on-line or cyber journalism) атамасини маъқул кўрадилар. Бизнинг мамлакатимизда эса тадқиқотчилар томонидан кўпроқ интерактив ёки интернет-журналистика тушунчаси қўлланилади.

Демак, он-лайн, ёки интернет-журналистика – Интернет тармоғидаги электрон нашрлардир. Улар босма нашрларнинг электрон нусхаси, соф интернет-нашрлар ёки ўзининг босма кўринишига ҳам эга бўлган интернет-нашрлардир. Он-лайн-журналистикани унда нафақат профессионал журналистлар, балки виртуал мулоқотга эҳтиёж сезадиган барча кишиларнинг фаол иштирок этиши мумкинлиги жиҳати ажратиб туради. Бундан кўринадики, медианинг бу турида интерактив журналистика яққолроқ намоён бўлар экан. Интернетнинг оммавий коммуникация воситаси сифатидаги ўзига хослигини белгиловчи бир қатор белгилар мавжуд. Жумладан:

- глобаллик;
- марказлаштирилмаганлик;
- оммабоплик;
- фойдаланувчи томонидан назорат қилиниши.

Бу рўйхат тўла бўлиши учун тезкорлик ва тежамкорлик каби сифатларни ҳам қўшиб қўйиш керак. Юқоридагиларнинг барчаси Интернетдан фойдаланувчилар сони ортиб бораётганлини белгиловчи омиллар ҳисобланади. Бугунги кунда Узнетнинг медиа секторида икки тоифадаги нашрларни кузатиш мумкин. Биринчиси – ўзларининг электрон намуналари билан бутунжаҳон ўргимчак тўрига кириб борган анъанавий ОАВларнинг эволюцияси натижасида юзага келган. Бошқаси – асл тармоқли бўлиб, аввал бошдан веб-технологиялар базасида юзага келди ва айни пайтда ҳам Интернет маконида фаолиятини давом эттирмоқда.

Биринчи тоифани шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) Анъанавий ОАВларнинг эквивалент нусхалари ёки “клонлари”.

Одатда “клон” қуйидагича яратилади: газетанинг кундалик нусхаси олиниб, веб-сайтга жойлаштирилади. Бу ўринда мазкур интернет-нашрнинг на мақсадга мувофиқлиги, на иқтисодий томонлари, на аудиторияси эътиборга олинмайди.



Ўзбекистондаги аксарият газета ва журналлар аллақачон ўзларининг тармоқдаги нусхаларига эга. Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси шу мақсадлар учун махсус грантлар ажратган. Жамғарманинг www.mmф.uz сайтидан яратилган сайтларнинг интернет-манзилларини топиш мумкин. Яқиндан танишиб чиқилганда Ўзбекистондаги аксарият газета ва журналларнинг тармоқдаги нусхалари учун бир хилдаги камчиликлар хос эканлигини кўриш мумкин.

Одатда интернет-нусхалар фақатгина нашрнинг босма нусхаси чоп этилгандан кейингина янгиланади ёки бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ҳатто, бош саҳифасидан ярим йил олдинги янгиликлар ҳали ҳам жой олиб турган интернет нашрларини кўриш мумкин. Баъзан эса сайтнинг бош саҳифасида кўплаб рукнлар (“Итисодиёт”, “Сиёсат”, “Таълим” ва бошқалар) мавжуд бўлса-да, амалда уларнинг бир-иккитасидагина мақолаларни учратиш мумкин, холос. “Клон”ларнинг яна бир муаммоси материалларнинг интернет аудиторияга мослаштирилмасдан жойлаштирилишидир. Агар газета ёки журналда кенг маъноли сарлавҳа ва рукнлар одатий ҳол ҳисобланса, интернет-сайтда улар аниқ бўлиши талаб этилади. Битта саҳифада катта матннинг берилиши ҳам уни ўқишни қийинлаштиради. “Правда Востока” газетасининг веб-сайти – www.пв.уз да мана шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Унда мақолалар хатбошиларга ажратилмасдан, майда ҳарфларда жойлаштирилади. Бирорта ҳам материалга суръатлар илова қилинмайди. Фақат камдан-кам нашрларгина Тармоқнинг интерактив имкониятларидан самарали фойдаланилган: мақолаларда линклар, РСС-жўнатиш имконияти мавжуд бўлади, форумда мақолаларни таҳлил ва муҳокама қилиш мумкин. Бунинг боиси шуки, Ўзбекистон ОАВлари ҳали ўзларининг интернетдаги иштирокларининг бутун аҳамияти ва заруратини, ўзлари учун сайт нега

кераклигини тўла англаб етганларича йўқ. Амалда интернет-нусхани яратиш касбий ёндашувни ва маълум сарф-харажатларни талаб этади.

Аслида, таҳририятда веб-сайтни ишлатиш, янгилаб бориш ва унда жойлаштириш учун материаллар тайёрлаш билан шуғулланадиган махсус бўлим фаолият олиб бориши керак. **Инфо СОМ.УЗ** журнали таҳририятида иш мана шу тартибда ташкил қилинган. Нашрнинг интернет-нусхасини мустақил, маҳорат билан яратилган ва фаолият олиб бораётган веб-лойиҳа сифатида баҳолаш мумкин.

Журналнинг ўзи ойда бир марта нашр этилгани боис, материалларни журналхонларга етказишда тезкорлик бир қадар чекланган бўлса, интернет-нусха ана шу бўшлиқни тўлдиради. Журнал таҳририят хайъатининг раиси А.Сучковнинг таъкидлашича (Медиафорум. Рол современных информационно-коммуникационных технологий в деятельности печатных СМИ и перспективы развития интернет-ресурсов страны. Т.,2007), **Инфо СОМ.УЗ** журналининг электрон-нусхаси иқтисодий жиҳатдан зарар келтирар экан. Аммо таҳририятда унинг ёрдамида кундалик янгиликларни тезкор эълон қилиб бориш ва шу орқали журналхонлар аудиториясини кўпайтириш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Ўзбекистан Today (www.uzt.uz) газетасининг интернет-нусхасини мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин. Сайт ёқимли оммавий рангда безатилган, янгиликлар тасмаси мунтазам янгиланиб борилади, янгиликларни РСС-жўнатиш имконияти, архив мавжудлиги, қулай навигация – интернет-аудитория ўртасида муваффақият қозониш гарови бўлиб хизмат қилмоқда. “Экономическое обозрение” (www.review.uz) журнали, “Новости Узбекистана” (новостиузбекистана.ст.уз), “Зеркало XXI века” (зеркало21.уз) газеталарининг интернет-нусхалари ҳам эътиборга лойиқ.

Яқинда «Фан ва турмуш» илмий-оммабоп журналининг сайти – www.fvat.uz иш бошлади. Уни тўла маънода “гибрид” (дурагай) сайтлар сарасига киритиш мумкин. Бир қарашдаёқ сайт ўзининг чиройли ва ноанаъанавий дизайни, флеш-анимацияси, қизиқарли илмий маълумотларнинг кўплиги билан диққатни тортади. Фойдаланувчиларда мақолаларни муҳокама қилиш имконияти мавжуд. Сайтда иккита муаллифлик блоги мавжуд: биринчиси бош муҳаррир Шухрат Эгамбердийевники, иккинчиси – «Занимательно о науке» деб номланади. Сайтнинг яна бир ўзига хослиги унда журналнинг янги сонининг кичрайтирилган нусхасини варақлаб кўриш имконияти бор. Умуман, сайт бемалол илмий интернет-нашр номига даъвогарлик қила олади.

Тармоқдаги нашрларнинг иккинчи тоифасини Интернетда пайдо бўлган ва оффлайн нусхаларга эга бўлмаган медиалойиҳалар ташкил этади. Ушбу тоифада иккита алоҳида гуруҳни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) Ахборот порталлари–кўп тармоқли интернет-хизматларидан бўлиб, улар ахборотнинг узлуксиз оқими билан бир вақтда мавзулар, жанрлар ва сервисларнинг турли-туман бўлишини назарда тутadi. **УзРепорт. Сом**

иқтисодий ахборот порталини мана шу тоифага киритиш мумкин. Бу ерда илк ахборот 1999-йилда пайдо бўлган эди. Лойиҳа “Бизнес-вестник Востока”, “БВВ Бизнес Репорт” газеталари бирлашган таҳририятига тегишли. Унда Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига оид кундалик янгиликлар жамланади. www.uzreport.com сайтида хабарлар уч тил: ўзбек, рус, инглиз тилида жойлаштирилади. Дастлабки уч кун мобайнида хабар барча фойдаланувчилар учун очиқ бўлади. Кейин эса у ёпиқ хабарлар тоифасига ўтказилиб, уни ўқиш учун сайтга обуна бўлиш талаб этилади.

ЎзА Миллий ахборот агентлигининг сайти www.uza.uz ни ҳам ахборот портали дейиш мумкин. 2007-йилда сайтнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги янгиланган нусхаси ишга туширилди. Биринчи марта порталдаги ўзбек, рус ва инглиз тилидаги саҳифаларда рукнлар бир хил кўринишга келтирилди. Саҳифаларда суратлар сони кўпайтирилди.

2) Электрон газета ва журналлар. Улар маълум график асосида янгилаб турилади, янгилик характеридаги материалларга нисбатан таҳлилий материаллар кўпроқ жойлаштирилади. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётига бағишланган Газета.Уз (www.gzt.uz) тармоқ газетаси бунга ёрқин мисол бўла олади.

Булардан ташқари, Ўзбекистонда фуқаролик журналистикаси(**сивил жоурнализм**) ёки веб-блоглар (**веблог, блог**) тизими ҳам ривожланиб бормоқда. Улар барча хохловчиларга ўзларининг кундалик дафтарларидаги ёзувларни, изохларни эълон қилиш имкониятини беради. Бу ҳам интернетнинг интерактив имкониятлари кенглигининг яна бир исботидир.

Узнетда бугунги кунда турли мавзулардаги кўплаб блоглар ишлаб турибди. Масалан, «**Афиша.уз**» www.блог.афиша.уз блоги Тошкент шарҳининг маданий ҳаёти ҳақида хабар беради. [Www.барбарис.уз](http://www.барбарис.уз) **Узнет**даги воқеаларни, тармоқ технологияларини ёритади. “Сказочная **сторона**” сказка.уз – блогида болалар эртақларининг MP3 форматдаги аудиоёзувлари жойлаштирилади. Фашионблог.узда ҳам маҳаллий, ҳам халқаро мода бозорининг янгиликлари ёритиб борилади.

2007-йил январ ойида “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ги қонуни. Янги таҳрирда. 2007-йил) Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрири қабул қилинган, тармоқ ОАВлари ривожланишида янги босқич бошланди, дейиш мумкин. Ушбу қонунга биринчи марта газета, журнал, радио ва телевидение билан бир қаторда, умумий фойдаланишдаги коммуникация тармоқларидаги веб-сайтларга нисбатан ҳам ОАВ мақомини берувчи модда киритилди. Шунингдек, қонунда вақтли босма нашрнинг электрон нусхаси ҳақида ҳам сўз боради.

Қонуннинг 27-моддасига кўра, босма нашрнинг электрон нусхани мустақил ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказилиши шарт эмас, фақат бунинг учун босма ва электрон нашрлардаги материаллар бир хил бўлиши шарт. Электрон

нусхада материалларнинг ҳажмини қисқартиришга, босма реклама хабарларини олиб ташлаш ёки алмаштиришга рухсат берилади.



2007-йили апрел ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда ОАВларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарорда сайт шаклидаги электрон ОАВни давлат рўйхатидан ўтказишда тақдим этилиши шарт бўлган ҳужжатлар рўйхати анча камайтирилган. Рўйхатдан ўтиш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: белгиланган шаклдаги ариза, ном (домен) рўйхатга олингани ҳақида ҳужжат, тегишли йиғимлар тўлангани ҳақида квитанциялар, жумладан, рўйхатга олиш пайтида тўланадиган бир марталик тўлов миқдори ҳам Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 1 бараваригача камайтирилди.



Интернет журналистиканинг замонавий хусусиятлари ва келажаги
Босма ОАВларнинг интернет-нашрлари ва умуман интернет-журналистика доимий янгилашиб туришни тақозо этади, бунда ахборотлар ҳар соатда, ҳатто ҳар дақиқада янгилаб туриши мумкин. Бу ўринда энди айтиш мумкин, бир кун воқеаларини эмас, балки айтиш мумкин, воқеанинг боришини тезкор ёритиш назарда тутилади. Бундай долзарбликнинг ўрнида имконияти мавжуд:

Эркин янгиланиш – материал тайёр бўлишига қараб янгиланади.

Белгиланган даврийлик асосида янгиланиш – сайт, айтилик, кунига ёки ҳафтада бир марта янгиланади.

Сурункали янгиланиш – хабар ва янгиликлар келиб тушишига қараб сайтга жойлаштириб борилади.

Айрим интернет-нашрларда мазкур долзарбликнинг ҳар учала шакли қўлланилишини кўриш мумкин. Масалан, сайтдаги айрим рукнлар ҳафталаб ва ойлаб ўзгаришсиз қолади, бошқа блоглар белгиланган қатъий даврийлик асосида янгиланган борилади, янгиликлар рукни эса доимий янгиланиб туради.

Интернет хотиранинг чекланмаган ҳажмини таклиф этади. Янгиланиш навбатма-навбат амалга ошириб борилади, эски ахборотларни эса кириб (очиб) ўқиш қулай бўлган шаклда архивлаштириб бориш мумкин. Архив таҳририят умумий маҳсулотининг, исталган пайтда фойдаланиш мумкин бўлган таркибий қисмига айланиб қолади. Шу билан бирга, архивларда зарур материалларни излаб топиш осон бўлиши учун уларни саналар, мавзулар ва бўлимлар бўйича қидириш тизими йўлга қўйилган.

ОАВ, айниқса, интернет-ОАВ соҳасида “интерактивлик” тушунчаси қўлланилганда ёки техник, ёки ижтимоий ўлчамларга таянилади. Техник ўлчам деганда – фойдаланувчи ва техника воситалари (инсон – компьютер) ўртасидаги, ижтимоий дейилганда эса техника ёрдамида инсонлар ўртасидаги (инсон – компьютер – инсон) ўзаро муносабат тушунилади. Журналистикага нисбатан интерактивлик қўлланилганда “инсон – инсон” занжири эмас, балки “инсон – машина” занжиридаги ўзаро муносабат тушунилади ва бу жараёнда фойдаланувчи олдида танлаш имконияти бўлади ҳамда у ахборотларни ажратиб олиши, электрон почта e-mail ёрдамида унга муносабат билдириши, маълумотлар банки ҳамда архивни ўрганиши, интернет сўровлар, овоз бериш жараёнлари, шунингдек, рейтингларда қатнашиши, ўйинлар ва дастурларни юклаб олиши мумкин.

Одатда мультимедиа мавжуд бўлган барча – матнли, суратли, аудио ва видео технологияларнинг қоришмаси сифатида қаралади. Бошқача айтганда, мультимедиа барча мавжуд техник воситаларга киритиш орқали ахборотни узатишда воситачилик қилади ва оммавий ҳамда индивидуал мулоқот ўртасидаги чегарани олиб ташлаши билан характерланади.

ОАВлар интернет тизимда ишлар экан, мультимедианинг барча имкониятларидан бирдек фойдалана олмайдилар. Чунки бу нарса кутиш вақтини орттириб, маълумотларни узатиш қуввати камаяди. График материалларнинг кўплиги саҳифани очишга узоқ вақт сарфланишига олиб келади. Шу боис, интернет-ОАВларда фойдаланувчига осон бўлиши учун ранглар, овозлар ва видеотасвирлардан имкон қадар тежамли фойдаланиш керак.

Бундан ташқари, уларда матнлар фойдаланувчини зериктирадиган даражада узун бўлмаслиги керак. Сабаби, газета ёки журналдаги материални

бўлиб-бўлиб ҳам ўқиш мумкин. Аммо фойдаланувчи маълум бир саҳифадан чиқиб кетгач, унга қайтиб яна қачон киради ва ўша кирганида чала қолган мақолани очиб ўқийдими-йўқми, ҳамма гап шунда.

Фойдаланувчи маълум бир тоифа ва рукнларга обуна бўлиши ва шу йўл билан ўзига керакли ахборотлар йиғилган **“Даилӣ ме”** ўзининг газетасини тузиши мумкин. У ҳаттоки ахборотларнинг даврийлигини – кундалик, соат сайин, сурункали янгиланишини ҳам белгилаши мумкин.

Интернет-ОАВ яратиш ва Интернетдаги фаолиятини йўлга қўйиш учун техника воситаларининг оз миқдордаги иштироки талаб этилади. Бунинг учун:

- стандарт дастур – профессионал веб-редактор;
- графикани қайта ишлаш дастури;
- маълумотлар алмашиш учун дастур (масалан, ФТП);
- бирор-бир хостернинг дискида жой ва интернетда ишлаш учун провайдернинг хизматидан фойдаланиш керак бўлади.

Тарқатиш эса мустақил равишда ҳал қилинади ҳамда бошқа турдаги ОАВлардан фарқли равишда ҳудудлар билан чегараланиб қолмайди. Интернет-газетани истеъмолчиларга етказиб бериш номоддий форматда – рақамли кўринишда бўлади, шу боис, қоғоз, босмаҳона, етказиб бериш йўналишлари каби элементлар ўз-ўзидан кун тартибидан тушиб қолади. Шунинг учун улар жуда катта ҳудудларни қамраб олади, харажатларни эса асосан таҳририятдаги иш учун тўловлар ташкил этади.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, **Ўзнетда** интернет-журналистика ривожланиб бормоқда. Албатта, ҳозирча юқори сифатли ва барча талабларга жавоб берадиган интернет-ОАВларимиз етарли даражада эмас.

Бундан ташқари, интернет-журналистика ҳозирча даромад келтирадиган даражада эмас. Тармоқ ОАВлар учун ўз сайтларида реклама баннерларини жойлаштириш асосий даромад манбаидир. **Ўзнетда** сайтларга кирувчилар сони ҳам умумий аҳоли сонига нисбатан ҳозирча катта фоизни ташкил этмайди. Шу боис, реклама берувчиларда ҳам сайтда реклама жойлаштириш учун маблағ ажратишга рағбат у даражада кўп эмас. Яна бир томони борки, ҳозирча Интернет учун ижод қиладиган малакали мутахассислар ҳам кам. Мазкур масалаларни амалга оширишда кун сайин ривожланиб бораётган соҳага сифатли кадрларни тайёрлаш эса мамлакатимиз олий таълим муассасалари журналистика факультетларининг биринчи галдаги вазифасидир.

Мазкур тўғаракнинг мақсади ўқувчиларда журналистик ижод назарияси ва методикасини англаш ва олинган билимлар асосида ўз ижодини такомиллаштириш кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилган. Касбий кўникмаларни ҳосил қилишда ахборот ва янгилик тушунчалари, янгиликлар ва фикрлар журналистикаси фарқини англаш, журналист ижоди, журналист ижоди психологияси ва журналистик асар хусусиятлари, унда билиш усулларида фойдаланиш, журналистик асар мазмуни ва шакли унсурлари, матбуот

жанрларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш, журналист текшируви моҳиятини англаш, матбуот техник воситаларини билиш ва улардан фойдаланишни ўрганиш каби вазифалар ҳал этилиши кўзда тутилган.



2. Журналист этикаси, масъулияти, унинг иш жараёни ва журналистика жанрлари

Маълумки журналистика соҳаси йирик бўғин. Аҳоли орасида катта рол ўйнайдиган, тўртинчи ҳокимият деб аталувчи, ташкилотда масъул ходимлар фаолият кўрсатадиган, соҳада ижтимоий фикрни ўртага ташлайдиган минбардир. Унинг таъсирчанлиги, ғоявий бақувватлиги катта аҳамият касб этади.

Ўзбек журналистикаси ҳақида сўз юритилганда газета ва журналларимиз ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Бугунги кунда ОАВ тўртинчи ҳокимият деб юритилади ва жамиятда аҳолига ахборот етказиб беришда олдинги ўринда туради. Шу ўринда тўғарак аъзоларига мисоллар орқали тушунчалар келтирилиб, ОАВ ходимларининг касб байрамлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилиши мақсадга мувофиқ.

Журналистикада сўзнинг ўрни жуда баланд. Чунки, жонли сўз мўъжизалар яратади. Репортаж, очерк, мақола, фелъетон, ахборот, публицистика кабилар журналистиканинг жанрларидир. Журналистика соҳасида айниқса суҳбат, интервью жанри, радио ва телевидениеда репортаж жанрлари кўп қўлланилади. Шу ўринда куйида бир неча жанрларга таъриф бериб ўтишни жоиз деб билдик.

1. Ҳисобот-ахборотга нисбатан тўлиқроқ, ҳажми кўпроқ мақола. Мақола жанри хусусиятлари. Мақолага қўйиладиган талаблар: умумлашмалар кенглиги, ҳаёт фактлари ва ҳодисаларнинг чуқур таҳлили, долзарб масалаларнинг

қўйилиши, унда далил-исбот тизими ўрни ва аҳамияти. Мақола тузилиши. Унда адабий воситаларни мазмун, асосий мақсад ва вазифаларга бўйсундирилиши. Мақола устида ишлаш. Мавзунини атрофлича ўрганиш, материал тўплаш, асосий мақсадни ифодалаш, режа тузиш. Мақола тузилиши ва услуби устида ишлаш. Мақола турлари. “Муҳаррир минбари”, назарий мақола. Муаммоли мақола ва б.

2. Репортаж-қўрган нарсалар, воқеа-ҳодисалар ҳақида тўлиқ маълумот.

Репортаж – ахборотни тайёрлаш, ташкил этиш, қайта ишлаш ва тарқатиш жараёнидаги асосий шахс. Репортёр қиёфаси. Унга қўйиладиган асосий талаблар.

3. Мулоқот-икки ёки ундан ортиқ кишининг ўзаро суҳбати. Мулоқот икки ва ундан ортиқ кишилар ўртасида билиш ёки баҳолаш тарзидаги ахборот алмашишда намоён бўлувчи ўзаро таъсирдир. Мулоқотнинг ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш ва фаолият кўрсатиш жараёнида одамларни бирлаштирадиган умумий нарсани ишлаб чиқариш тарзида тушунилиши ана шу умумий нарсани аввало мулоқот воситаси сифатидаги тилдан иборат эканлигини билдиради.

Тил мулоқотга киришувчилар ўртасида алоқа боғланишини таъминлайди. Уни бу мақсад учун танланган сўзлар моҳиятига кўра кодлаштирган ҳолда ахборотни маълум қилаётган киши ҳам, бу моҳиятнинг кодини очган, яъни унинг маъносини ошкор этган ва ана шу ахборот асосида ўз хулқ — аъводини ўзгартирган ҳолда бу ахборотни қабул қилаётган киши ҳам тушунади. А.В.Петровский фикрича, ахборотни бошқа кишига йўллаётган киши (коммуникатор) ва уни қабул қилаётган киши (реципиент) муносабат ва биргаликдаги фаолият мақсадларига эришиш учун моҳиятларни кодлаштириш ва кодини очишнинг битта ягона тизимидан фойдаланишлари, яъни битта тилда сўзлашишлари керак.

Моҳият - белгининг теъдоси - аъводаги воқеаликни билишни ифода этадиган қисм сифатидаги мазмунга эга бўлган жиҳатидир. Қурол одамларнинг меҳнат фаолиятини ифодалагани сингари белгилар ҳам уларнинг билиш фаолияти ва муносабатини намоён қилади. Сўзлар белгилари тизими ҳаёт кечириш, ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш ва узатиш воситаси сифатидаги тилни таркиб топтиради.

Тил ёрдамида мулоқотга киришиш туфайли борлиқнинг алоҳида бир кишининг миъясидagi инъикоси бошқа одамларнинг миъясида акс этаётгани билан доимий равишда тўлдирилиб туради ўй- фикрларини айирбошлаш, ахборот бериш рўй беради.

Ўқитувчи у ёки бу сўзни ишлатганда унинг ўзи ҳам, унинг тингловчилари ҳам ёлғиз ўша битта ҳодисани назарда тутишади ва уларда англашилмовчилик юз бермайди. Моҳиятлар тизими кишининг бутун ҳаёти давомида ривожланиб ва бойиб боради. Уни собитқадамлик билан шакллантириш ўрта таълимнинг ҳам, олий таълимнинг ҳам марказий бўғини ҳисобланади. Демак, тил билан мулоқот узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб боради. Педагогик мулоқот-педагогик таъсирнинг ажралмас сифатидир.

Бу ўқитувчи ва ўқувчининг таълим-тарбия жараёнидаги профессионал мулоқоти бўлиб, унда маълумот алмашинади ва ўқувчиларга ўқув-тарбиявий таъсир ўтказилади. Бунда икки ёклама мулоқот юзага келиши лозим. Унинг асоси сифатида ўзаро ҳурмат ва ишонч хизмат қилади. Педагог ўқувчилар билан мулоқотга киришиш жараёнида улардан ҳурмат кутади. Ўқувчилар ҳам ўқитувчидан ҳурмат ва ишончни талаб этадилар. Бу педагогик таъсирнинг самарали йўли бўлиб, тажрибали педагоглар болани ўз-ўзини ҳурматлашга асосланган ҳолда муносабатларни ташкил этадилар ва шу орқали ўзаро муносабатларни амалга оширадилар.

Мулоқотнинг ўзига хос 3 та даражалари мавжуд.

Булар: макро даражада (катта)-инсонлар билан мулоқот қилиш барча одо-ахлоқ нормаларига суянган ҳолда амалга оширилади. Мезо даражада(ўрта)-мулоқот маълум мавзу асосида кечади (масалан, аскияда маълум мавзудан чекинмаслик). Микро даража (кичик) -мулоқотнинг оддий шакллари, савол-жавоб тариқасида юз беради.

Мулоқотнинг турлари: шахслараро (инсон-инсон), шахсий-гуруҳий (гуруҳ-гуруҳ), оммавий коммуникация (радио, телевидение, рўзномалар ва журналлар) каби турлари мавжуд.

4. Суҳбат (интервью)-савол-жавоб, савол ва жавоблар таҳлил қилинмайди. Интервью атамаси инглиз тилида (**интервью**) яъни суҳбат маъносини билдиради. Ўзаро шахсий мулоқат ўрнатишда тегишли техник воситаларга эътибор қаратиш ўринли. Суҳбатнинг асосий мақсади у ёки бу мавзуга умумий қаратилиши ва турли йўللار билан унинг ичига кириб бориши. Шундай йўналишлардан бири ҳужжатли суҳбат ҳисобланади. Бунда мавзунини воқеаликни тарихийлигини ўрганиш, аниқлиги, воқеани мақсадини юқори баҳолаш, кучли эътибор, ўткир нигоҳ ва таҳлилга қаратилади. Суҳбат ташкил этишда асосан шахсий фикр ва аниқликка эътибор берилади.

5. Фельетон-бирон-бир муаммони кулги орқали танқид қилиш. Фельетоннинг жанрий хусусиятлари. Фельетонда публицистик, бадиий ва ҳажвий воситалар аҳамияти. Фельетонда мавзу ва муаммо. Фельетонда бадиий тўқима. Фельетонда образ ва образлиликнинг ўрни ва аҳамияти. Аниқ, умумлашган образлар ҳамда образ – тезисларни қўлланилиши. Фельетонда сюжет ва композиция масаласи. Хозирги замон ОАВда фельетон шакллари.

3. Товушларни фарқлаш ва алоҳида идрок қилиш

Журналистика ва нотиклик санъатида алифбодаги унли ва ундош товушларни тўғри талаффуз қилишнинг ҳам ўрни муҳим. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ёш журналист энг аввало мана шу товушларни бир-биридан фарқлаши ва тўғри талаффуз қила олиши лозим. Булар унли ва ундош товушлардир. Ундошларни ўзи эса, жарангли ва жарангсиз ундошларга

бўлинади. Ҳар бир ҳарфнинг талаффузида оғиз тўлиқ очилиши, нафас чуқур олиниши ва бор овозда тўлиқ айтилиши керак.

Олд қаторда ўтирган томошабин тинглаган овозни сўнгги қатордаги томошабин ҳам тинглаши керак. Бунинг учун тўғарак аъзолари турли ораликда жойлаштирилади ва унли товушларни баланд овозда айттирилади. Кейин уларни ўрни ўзгартирилади. Шу тариқа машқ давом эттирилади. Бу йўл билан ўқувчилар товушларни бир-биридан фарқлашни ўрганадилар.

4. Шеър, ғазал мазмунига хос ҳолатга кириш маҳоратларини эгаллаш

Шеър, ғазал уларни ифодали ўқиш учун аввало тўғарак аъзолари уларнинг бир-биридан фарқини билиш тушунтирилади. Масалан,

*Бошимизда офтоб бор,
Қўлимизда китоб бор.
Ўрганамиз, ўсамиз,
Интилганга толе ёр.*

*Нақадар тиниқ осмон,
Бизники барча имкон.
Бизникидир келажак,
Юракда Ўзбекистон!*

*Тўлиб оқсин дарёлар,
Тинмасин шўх наволар,
Кўриб камолимизни,
Қойил қолсин дунёлар.
Дилни дилга боғлаймиз,
Юрт қадрини сақлаймиз.
Бобомизнинг ишончин,
Биз албатта оқлаймиз!*

Ғазал ўқиш қоидаларида Навоий, Машраб ғазалларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, Машраб ғазали:

*Тушди савдойи мух бошима,
Ор этар мардум келурга қошима.*
Маъноси: Муҳаббат савдоси бошимга тушганда ўзимни шунчалар йўқотиб қўйдимки, одамлар олдимга келишга ор қилдилар.

5. Унлиларни тўғри талаффуз қилиш

Ҳаво тўлкини овоз пайчаларида пайдо бўлган товушни оғиз, бурун бўшлиғи томон йўналтиради. Бу ерда гапирувчи эҳтиёжига кўра, ҳаво оқими турли тўсиқларга учраб, аниқ зарурий нутқ товушлари пайдо қилади.

Унли товушлар оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамайди, фақат лаб, жағ тилнинг турлича шаклланиши натижасида пайдо бўлади.

Талаффуз этилганда ҳаво оғиз бўшлиғида тўсиқларга учрамай, овоздангина ҳосил бўладиган товушлар унли товушлар деб аталади.

Алифбода олтита унли товуш мавжуд. Булар:

А, о, и, у, ў, э

Унлиларни тўлиқ нафас олган ҳолда, нафас тугагунга қадар айтиш керак. Масалан, аааааааааа.

Бунинг учун қоринга тўлдириб нафас олиб, нафас тугагунга қадар унли товуш чўзиб айтилади. Машқлар шу зайлда давом эттирилади.

6. Ундошларни кескин, калта талаффуз қилиш

Ундош товушлар - нутқ органларнинг бирор жойида тўсиққа учраб чиққан товушлар. Айрим ундош товушларнинг пайдо бўлишида овоз ёки шовқин иштирок этади, баъзилари эса шовқин ва овознинг аралашмасидан ҳосил бўлади.

Ундош товушлар пайдо бўлиш ўрнига кўра аввало 3 га бўлинади:

Лаб ундошлари: б, п, в, ф, м

Тил ундошлари. Тил ундошларининг ўзи тўртга бўлинади:

а) Тил олди: т, д, с, з, ш, ж, ч, л, н, р:

б) Тил ўрта: й

в) тил орқа: қ, г, нг

г) чуқур тил орқа: қ, ғ, х

3. Бўғиз ундоши: х

2. Пайдо бўлиш усулига кўра ундошлар иккига бўлинади: портловчи, сирғалувчилар. Талаффуз қилиш жараёнида ўпкадан чиқаётган ҳаво бўшлиғида тўпланиш натижасида портлаб чиқса портловчи ундошлар дейилади. Ўпкадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғида тўпланмай, сирғалиб чиқса сирғалувчи ундош дейилади.

Портловчи: б, п, м, т, д, ж, ч, к, л, н, р, қ, ғ

Сирғалувчилар: в, ф, с, з, ж, ш, й, х, ҳ

Овознинг иштирокига кўра ундошлар 2 га бўлинади:

Жаранглилар: б, д, з, в, г, ж, й, л, н, р, м, ғ

Жарангсизлар: п, т, с, ф, к, ш, ч, қ, х, ҳ

Демак, жарангли ундошларнинг кўпчилиги ўзининг жарангсиз жуфтига эга:

б, в, д, з, г, ж, ғ, й, л, н, р, м — —

п, ф, т, с, к, ш, ч, қ — — х, ҳ

Жарангли ундошлар талаффузда кўпинча сўз охирида, баъзан сўз ўртасида ҳам жарангсизлашади, яъни ўзининг жарангсиз жуфтига айланади: одоб, рубоб, жавоб, савод, мурод, одоб, ибтидоий, тузсиз, барг, педагог, ғижжак.

“Ъ” белгиси 2 хил вазифа бажаради: ўздан олдинги унлини узайтиради: шеър, феъл, маъно, ваъда: унлини ундошдан ажратади: санъат, масъул, даъво. “Ъ” белгиси тушириб қолдирса, маъно ўзгартириб юбориши мумкин: даъво – даво, шеър – шер, санъат – санат, суръат – сурат.

Сўз охири қатор келган ундошлардан бири талаффузда тушиб қолади: дўс(т), гўш(т), Тошкен(т), Самаран(д), хурсан(д).

Кўшалок ундошлардан бири туширилса, маъноси ўзгарадиган сўзлар гуруҳи мавжуд: машшоқ – машоқ, ушшоқ – ушоқ, қаттиқ – қатиқ.

Талаффузда й ундоши орттирилиши мумкин оила (ойила) театр (тейатр). Росмана талаффуз қилинадиган, лекин ёзилмайдиган унлилар мавжуд зеҳн (зеҳин), исм (исим), фикр (фикир), илм (илим).

Алифбодаги ундош товушлар ўқувчилар билан биргаликда жарангли ва жарангсиз ундошларга ажратилади. Масалан,

Б – п

Д – м

В – ф

З – с

Қ – ҳ

Шу тариқа жаранглилар баланд овозда, жарангсизлар бироз пастрок товушда талаффуз қилинади.

Масалан, дутор – тор

воиз – фоиз

зина – сина

Ҳар бир ҳарфнинг тўғри талффуз қилинишига алоҳида эътибор берилади.

7. Тез айтишлар орқали тутилмай гапириш

Халқ оғзаки ижоди намуналаридан бўлган тез айтишлар нутқнинг равон бўлиши, талаффузнинг тўғрилиги ҳамда фикрларнинг теранлиги учун ёрдам беради. Тўғарак раҳбари ҳар бир тўғарак аъзоси билан алоҳида ҳолда тез айтишлар машқ қилинади.

Масалан:

Ғани гилдиракни гизиллатиб гилдиратди

Оқ чойнакка кўк қопқоқ, кўк чойнакка оқ қопқоқ

Сарвар сартарошми, Сардор сартарош.

Салима саватга сариқ сабзини солди.

Тўғарак аъзоларидан ҳам тез айтишлар топиб олиб келиш ва ёдлаш талаб қилинади.

8. Зўриқмасдан, оҳиста овозда жарангдорликни сақлаган ҳолда енгил, майин ва ўртача қаттиқликда сўзлаш

Нутқ жараёнида зўриқмасдан, оҳиста овозда, жарангдорлигини сақлаган ҳолда енгил, майин, ўртача қаттиқликда сўзлаш алоҳида аҳамият касб этади. Мисол тарақасида тўғарак аъзоларига таржимаи ҳол ёздирилади. Ҳар бир бола уни турлича оҳангларда ўқиб беради.

Болаларнинг овоз хусусиятларини, улардаги товуш чиқарувчи аъзоларнинг тузилиши ва ривожланишини яхши билиш тўғарак раҳбарнинг машғулотларини тўғри ташкил этишга ёрдам беради.

Умуман, болалар овози аввало ўзининг енгиллиги ва товланиб туриши, товушларнинг жарангдорлиги ва нозиклиги билан ажралиб туради. Улар ўз хусусиятларига кўра дискант ва альтларга бўлинади. Дискант – болаларнинг энг юқори овоздир.

Болалар овозининг ривожланиши бир неча босқичлардан иборат. Бу босқичларнинг ҳар бири маълум ёш гуруҳига мансубдир. 7-10 ёшдаги ўғил болалардаги каби қиз болаларда ҳам овоз чиқарувчи аъзолари катта ёшдаги болаларникига нисбатан бошқачароқ бўлади. Ингичка овозлик, аниқ ифода характериға эға бўлади. Товуш чиқариш жараёнида ёрдамчи мускулларнинг катта гуруҳи иштирок этади. Бундай пайтда болалар бўғзига асаб тармоқларининг зарур даражадаги қувватлари тўплана бошлайди. Бу ҳолатнинг ўзи унинг ҳаракат қилишиға таъсир этади. Чунки нафас олиш, ҳимоя ва овоз чиқариш асаб тизими орқали содир бўлади.

Шундай қилиб, болада 7-10 ёшида ашула айтиш кўникмасига пойдевор қўйилади. Бу кўникма кейинчалик ривожланиб боради. Бу даврда овоз ҳосил қилувчи аъзоларининг (ўпка, бронх, трахея, оғиз бўшлиғи, бурун бўшлиғи) ривожланиши аста-секин юз беради. Бўғиз ва мутация¹ – балоғат ёшигача жуда секинлик билан нотекис ривожланади.

Болаларда 7 ёшдан 10 ёшгача бўлган давр овознинг ривожланишида муҳим босқич ҳисобланади. Жисмонан эрта етилиш овоз аппаратининг ҳам бир мунча тезроқ шаклланишиға олиб келади. Тажрибада 11 ёшдаги болаларда мутация даври бошланган ҳоллар ҳам маълум.

Овоз чиқариш сифати товушларнинг характериға ҳам боғлиқ. Мактаб ёшидаги болалар учун енгил, парвозли, нозик ва жарангдор товушлар хос бўлади. Бундай товушлар уларнинг овозига алоҳида жозиба бахш этади. 7-10 ёшдаги болалар ўз имкониятларига кўра 11 ёшдаги болалардан фарқ қилиб туради. Агар кичик ёшдаги болалар овозида сопрано ва альтларни фарқлаш

¹ Мутация - (лотинча сўз – мужрат даври шаклланиши) бола овозининг балоғатға етиши. Овознинг ёш фарқлари: 13-14 ёшдан 16-18 ёшгача. Бўғиздаги овоз боғланмаларининг ўсиши натижасида ўғил болаларда мутация бирданиға содир бўлади. Мутация даври турлича бўлиб, бир неча ҳафтадан бир неча йилгача чўзилади. Одатда бир ярим-икки йилға чўзилади. Қиз болаларда эса овоз ўзгариши секинлик билан (жумладан, ўғил болаларникидек дўриллаб эмас) содир бўлади. Яқин – яқинларгача ҳам мутация даврида ашула айтиш тақикланар эди. Бироқ бир қатор ўқитувчиларнинг тажрибаси шуни кўрсатаптики, бу даврда эҳтиёткорлик билан айтиш машғулоти ўтказиш болалар овозининг ривожланиши ва сақланишда яхши натижалар беради.

мумкин бўлса, 10-11 ёшдаги болаларда эса овозларнинг паст-баландлигини билдирувчи характерли товушлар сезилиб туради. 10-11 ёшдаги болаларда (айниқса ўғил болаларда) маълум миқдорда кўкрак регистридан² чиқадиган товушлар пайдо бўлади.

Бироқ болаларни кўкрак регистридан фойдаланишидан ва овозни зўриқишидан сақлаш лозим. Бўғзида четки боғланмаларнинг тебраниши натижасида чиқадиган фальцет (энг баланд) овоз учун товушнинг динамик кўтарилишини режалаштириб турувчи табиий тўсиқлар мавжуд. Ёши бир қадар катта бўлган болаларда овознинг ёқимлилиги дарҳол сезилади. Бу айнқса, кўшиқ зўриқмасдан, тинч ҳолатда айтилган тақдирда яққол кўзга ташланади. Бироқ, 7-10 ёшдаги болаларнинг овозида умумий ўхшашликлар кўп ва тубдан бир-бирига қарама-қарши фарқлар йўқ.

Болалар овозининг сифати, унинг ёқимлилиги фақат овознинг мўътадил жаранглаш пайтида маълум бўлади. Худди 7-10 ёшда боланинг кўшиқ айтиш вақтида товуш сифатининг шаклланиш жараёни содир бўлади. Мактаб ёшида болалар овозининг ёқимлилиги нотекис бўлади.

Шундай қилиб, овозларнинг унча катта бўлмаган диапазони (ҳажми) ҳамда уларнинг бир турдаги жаранглаши (фальцет) болаларнинг биз кўриб ўтган ёшида овозларини шартли равишда «баланд» ва «қуйи» овозларга бўлади.

9. Суҳандонлик санъати

Ҳар бир суҳандон ўз овозини жарангдор, ширали бўлиши учун доимо машқ қилиши, машғулотлар жараёнида овозларнинг тембрига алоҳида эътибор бериш юзасидан тўхталиб ўтилади. Тўғарак аъзоларига турли мавзулардаги матнлар берилади. Ўқувчилар ана шу матнларни турли интонациялар асосида, диққатни жамлаган ҳолда ўқишлари ва қоғоздаги матнни хотирани мустаҳкамлаш учун гапириб беришлари керак бўлади.

Суҳандонлик санъати вакиллари овоз имкониятлари, ўзини тутиши ва талаффузи билан бошқа соҳа вакилларида фарқланиб турадилар. Сабаби бу соҳа вакиллари ўта масъулиятли, юксак маънавият эгаларидир. Улар доимо адабий тилда гапиришга, жиддий либосларни кийишга одатланганлар. Улар доимо ҳаётга бўлган ўз қарашларини тўғри ифодалай оладиган инсонлардир. Буларга мисол қилиб, А.Ўтбосаров, Г.Мельникова, Ш.Қаюмов, М.Йўлдошев, Д.Рустамова, Н.Сотиболдиеваларни келтириб ўтиш мумкин. Мавзудан келиб чиққан ҳолда “Менинг севимли суҳандоним” номи остида ижодий иш ёзиш мумкин. Суҳандонлик ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар келтирилиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Тўғарак аъзолари ҳамкорликда бирон-бир тадбир сценарийсини ёзиб, бошловчилик қилишлари мумкин. Бунда албатта нутқни ривожлантирувчи машқлардан фойдаланишлари мумкин.

² Регистр - товушнинг кудрати ва паст-баландлигини белгиловчи кўрсаткич.

Масалан:

Кха-кхе-кхи-кхо-кху-кхў

Ма-мо-ми-ме-му-мў

Арра-дарра-карра

10. Бадиий асар, ҳикоя, илмий мақола, хабар каби матнларини тўғри тушуниб бир дақиқада 130 сўз тезлигида равон ўқиш

Бадиий жиҳатдан тугалланган, бирон-бир ғояни тарғиб этувчи, ҳажман кенг бўлган асар бадиий асардир.

Ҳикоя-маълум бир воқеани тўлиқ акс эттирувчи, ҳажм жиҳатдан кичикроқ, ҳар бир ўқувчи учун тушунарли асар.

Илмий мақола-бунда аниқ келтирилган фактлар бўлиши керак. Асосан бирон-бир кашфиёт, илмий асар ва ҳоказо каби воқеаларнинг баёни учун ёзилади.

Хабар-маълум бир воқеа-ҳодиса ҳақида бериладиган маълумот бўлиб, хабарда воқеалар баёни кенг қамровли эмас, балки қисман ёритилади.

Тўғарак раҳбари томонидан юқорида айтиб ўтилганларнинг ҳар бири бўйича амалий жиҳатдан ёндошилиб, тўғарак аъзолари билан ҳамкорликда ишланса ўз самарасини бериши табиий.

11. Ифодали ўқиш шеър ёдлаш қоидалари

Ифодали ўқишнинг энг асосий қоидаларидан бири бу тиниш белгиларига амал қилган ҳолда ўқишдир. Тиниш белгиларига: нукта, вергул, тире, ундов, сўроқлар киради. Нукта қўйилганда бироз танаффус қилинади, вергулда икки жумла бир-биридан ажратиб ўқилади, тире-маълум бир фикрга урғу бериб ўқиш учун, ундов-ҳис-ҳаяжон маъносини ифодаловчи белги ва сўроқ эса бирон нарсани сўраш, илтимос қилиш маъноларида ишлатилади.

Даврий матбуотдан бирон-бир мақола ёки тўғарак аъзоларининг ижод намуналаридан мисоллар келтирилади. Асосий сўзлар белгиланиб, урғу билан айтилиши кўрсатилиб берилади.

12. Иш қоғозларини ёза олиш

Иш қоғозлари асосан расмий услубда ёзилади. Расмий услубнинг ёзма шакли Шарқ мамлакатларида, хусусан Мовороуннаҳрда мавжуд бўлган. XIX асрларгача бу услубдаги ёрлиқ, фармон, нома, битим, арзнома, тилхат каби ҳужжат турлари фаол қўлланилган. Ўзбек тилидаги ёзма расмий услуб 70-80 йилларда ривожланган.

Расмий қоғозлар:

- маъмурий девонхона ҳужжатлари;
- иқтисодий тижорат ҳужжатлари;
- дипломатик ҳужжатларга бўлинган.

Тўғарак раҳбари тўғарак аъзоларига қуйидаги ҳужжатлар шакли, ёзилиш тартиби, фикрни тўлиқ баён эта олиш қоидалари тўғрисида амалий тарзда кўрсатиб бериши лозим.

- ариза;

- таржимаи ҳол;

Таржимаи ҳол

Ўзбек балет актрисаси, раққоса, балетмейстер ва хореограф Розия Каримова 1916 йилда Қозонда туғилган.

Самарқанддаги Ўзбек Давлат мусикали драма театри студиясида таълим олиб, 1930 йилдан шу театрда ўз фаолиятини бошлади ва лирик рақслар билан бир қаторда драматик ролларни ҳам ижро этди.

Анорхон (К.Яшин, “Ўртоқлар”, 1932), Асал (К.Яшин “Гулсара” 1935), Осиё (У.Ҳожибеков, “Аршин мол олон” 1936) каби образлар актриса ижодининг илк маҳсулидир.

Шундан сўнг, 1934-1949 йилларда Тошкентдаги мусикали театрда, 1949-1953 йилларда А.Навоий номидаги Опера ва балет театрида Гуландом (Е.Брусиловский, “Гуландом”), Оқбилак (С.Василенко, “Оқбилак”), Фраскита (Ж.Бизе, “Кармен”), Кумуш (М.Ашрафий, С.Василенко, “Бўрон”) каби партияларни ижро этиб, “Ўртоқлар”, “Бўрон”, “Гулсара”, “Улуғбек”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби опера асарларидаги рақсларни сахналаштирди ва ўзи улардаги ёлғиз ўйинларни ўйнайди. Шунингдек, К.Яшиннинг “Ўртоқлар” операсидаги рақсларни Олмота театрида сахналаштирди.

Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикали драма ва комедия театрида балетмейстер, 1935-1960 йилларда шу театрда солистка бўлиб, “Нурхон”, “Фарҳод ва Ширин”, “Равшан ва Зулҳумор”, “Тоҳир ва Зухра”, “Офтобхон”, “Оқ нилуфар”, “Зафар” ва бошқа қатор спектакллардаги рақсларни сахналаштирди ва улардаги ёлғиз рақсларни моҳирона ижро этди. Р.Каримова “Андижон самоси” (ялла), “Катта ўйин”, “Гул ўйин”, “Сафти уфори” ва бошқа миллий рақсларни ҳам ниҳоятда назик дид ва нафислик билан ўйнаган катта истеъдод соҳибидир. У Гавҳар Раҳимова раҳбарлигидаги хотин-қизлар ансамбли сафида 1942 йилда Эронда, 1943 йилда Шимоли-ғарбий фронтларда бўлиб, маданий хизмат қилди. У нафақат талантли раққоса, балки моҳир педагог ва рақс санъатининг назарий, амалий масалалари билан жиддий шуғилланган йирик тадқиқотчи олима ҳамдир.

1932 йилдан Ўзбекистон Давлат хореография билим юртида педагог, 1964 йилдан Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтида илмий ходим сифатида ўзбек рақс санъатининг муҳим масалалари устида илмий тадқиқот ишлари олиб бориб “Фарғона рақслари”, “Бухоро рақслари”, “Робия **Ртажонов** рақслари”, “Баҳор” ансамбли рақслари”, “Доира зарбларига машғулот”, “Ўзбекистон рақслари” каби ўндан ортиқ китоблар ва қўлланмаларни яратди, кўплаб мақолалар ёзган Р.Каримова кўплаб раққосаларни тарбиялашдек

шарафли ишга муносиб ҳисса қўшди. Бернора Қориева, Раъно Жабборова, Шокир Аҳмедов, Дилбар Абдуллаева, Карима Узоқова, Сивилья Тангуриева, Инна Киркова, Муҳаббат Абдуллаева, Қодир Мўминов каби раққоса ва раққослар унинг шогирдларидир.

Унинг бу хизматлари эътиборга олиниб, мустақиллик йилларида унга фахрий санъатшунослик доктори илмий даражаси берилди. Розия Карима “Ўзбекистон халқ артисти” (1950) унвони, Ўзбекистон Давлат мукофоти (1983), Мукаррама Турғунбоева номидаги мукофот (1994) соҳибидир.

Шунингдек, 1998 йилда у “Эл-юрт хурмати” ордени билан мукофотланди.

- тушунтириш хати;

ТХТМФМТТЭ бўлими мудири

А.Аҳмедовга

ТХТМФМТТЭ

бўлими

мутахассиси

Ф.Тошматовдан

Тушунтириш хати

Туман халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг 2012 йил 19 январдаги 13-А сонли буйруғи мактабга етиб келмаганлигини, шунинг учун буйруқ чиқарилмаганлигини маълум қиламан. Бошқа бундай ҳолат такрорланмайди.

ТХТМФМТТЭ бўлими

мутахассиси

Ф.Тошматов

13. Юксак дидли ва ақлан баркамол адабий қаҳрамонларнинг хислатларини очиб бериш

Бадий ўқишда ўзбек халқ эртаклари, ҳикоялар тўпламларидан фойдаланилади. Эرتак ўқилгандан сўнг, ўқувчидан уни баён этиб бериш сўралади. Шу тариқа тўғарак аъзоларининг эслаб қолиш қобилиятлари синалади. Хотираси суст болалар машқлар орқали ривожлантириб борилади. Масалан, уларга турли рангларни тартиб билан жойлаштириб кўрсатилади. Бир оздан сўнг уларни ўрни ўзгартирилади, аввалги ҳолатига қайтариб бериш сўралади. Бундай машқни мевалар, турли буюмлар, ҳайвонлар суратлари иштирокида ҳам бажариш мумкин.

14. 80-90, 120-130 сўздан иборат матнни баён этиш

80-90, 120-130 сўздан иборат матнни баён этишда турли цитаталардан, ҳикматли сўзлардан фойдаланиш ҳам мумкин. Бунинг учун қуйидаги адабиётлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

“Ҳикматнома”, “Тафаккур гулшани”, “Қутадғу билиг” асарлари.

Нутқ маданияти аввало нутқ одобига таянади. Нутқ одоби мезонлари ўзининг қадимий илдизига эга. Айниқса, ўзбек адабий тилининг асосчиси ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг бу борадаги хизматлари бекиёсдир. У жумладан, нутқ одоби, яъни нутқ маданиятининг қуйидаги талабларини баён қилади:

Тилни, сўзни қадрла, уни ҳурмат қил

Донау дур сўзини афсона бил,

Сўзни жаҳон бағридан дурдона бил.

(“Ҳамса”).

Яхши сўзлай олиш, яъни нутқ – санъатидир, ноёб ҳунардир. Уни эгаллашга интилан:

Ердин сўз ҳунари, инчидин бўз ҳунари.

(“Маҳбуб – ул қулуб”).

Инсоннинг одоб – ахлоқини белгилайдиган омилларидан бири унинг сўзи – нутқидир.

Сўз зоҳир этар замири иши кўпрагидин,

Тил маҳбар эрури кўнгил ниҳон эмгагидин,

Фаҳм айла киши ҳолини сўз демагидин,

Ким берди хабар ҳодиси кўнглидагидин.

(“Назм ул-жавоир”, 41-бет).

Кишининг сўзи (нутқи) унинг ахлоқий камолотидан дарак беради:

Одами демак бирла киромийдир ба,

Сўз дурри ишининг интизомидир ба,

Сиҳат ончаки, аҳли ақл комидир ба,

Ақлига далил анинг каломидир ба.

(“Назм ул-жавоир”, 35-бет).

15. Турли мавзуларда оғзаки ва ёзма мустақил фикрни баён этиш

Ҳар бир журналистда оғзаки ва ёзма фикрни баён эта олиш қобилияти бўлиши керак. Ўқувчиларга турли мавзулар берилади, масалан оила, ватан, табиат, дўстлик... Мана шу мавзуларда ўқувчилар аввало ёзма маълумот ёзадилар ва кейин мана шу маълумотларни оғзаки, раван тилда сўзлаб берадилар. Бунда ўқувчиларнинг сўз бойлигига алоҳида эътибор берилади.

16. Тележурналистика асослари: лавҳа, камера, микрофон билан ишлаш

Тележурналистика ҳақида тушунчалар беришда телевидениеда фикрни баён этиш учун тасвир биринчи ўринда туриши ҳақида бунда матннинг содда,

равон, халқчил тилда ёзилган бўлиши, воқеаликни баён эта олиши керак. Телевидение билан ишлашда микрофон, камерани ҳис қила олиш жуда муҳим. Икки микрофон билан ишлаш, интервью олиш, стендап ёзиш тушунтирилади. Буларнинг барчаси имконият даражасида камера ёрдамида амалий ўргатилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Лавҳанинг бадиий публицистикадига ўрни ва аҳамияти. Лавҳа хусусиятлари. Лавҳа турлари. Лавҳа устида ишлаш методикаси.

17. Радиожурналистика асослари: микрофон матн билан ишлаш

Радиожурналистиканинг тележурналистикадан фарқи асосан овоз биринчи ўринда туради. Шу сабабдан ҳам радиобошловчи овоз имкониятидан фойдаланган ҳолда, тингловчига ахборотни етказа олиши керак. Радиожурналистикада микрофонни ҳис қилиш ва микрофон билан ишлай олиш муҳим аҳамиятга эга.

18. Матбуот журналистикаси асослари

Матбуот журналистикасида сўз алоҳида аҳамият касб этади. Чунки журналист сўз орқалигина бутун мавзунини ёритиб бериши лозим.

Мақола ёзиш қуйидаги қоидаларга амал қилинса самараси ижобий бўлади.

1. объектни тасаввур қила олиши;
2. мақолага сарлавҳани тўғри танлаш;
3. ортикча, тушунарсиз сўзларни ишлатмаслик;
4. мақоланинг ҳажмига аҳамият бериш.
5. тўғри ва тушунарли ёзиш.
6. охириги жумлага эътибор қаратиш.
7. мақолада фактлар кўпроқ бўлишига эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Нутқ ўстириш луғат бойлигини ошириш йўллари

Республикамиздаги ўзгаришлар таълим муассасалари олдида ҳам долзарб муаммоларини ҳал этиш вазифаларини қўймоқда. Нутқ ўстиришнинг энг муҳим ва асосий йўллари билан бири луғат устида ишлашдир.

Агар ўқувчининг ўзлаштирган луғат бойлиги кам бўлса, унинг фикрлаш доираси ҳам тор ва саёз бўлади.

1. Янги сўзлар ҳисобига ўқувчиларнинг луғат бойлигини ўстириш.
2. Саёхатда ҳаётни кузатиш, йил фаслларидаги ўзгаришларни кузатиш, ўқувчиларга ўз таасуротларини гапириш, ўзаро савол-жавоблар ўтказиш, ўз фикр ва мулоҳазалари асосида иншо ёки баён ёзишга ўргатиш.

3. Тарбиявий тадбирлар ўтказиш орқали ўқувчиларнинг луғат бойлигини ошириш.

Маълумки, ҳозирги бошланғич синф ўқитиш услуби фанларида ўқувчиларга ёшлигидан фикрини баён қилишга, расмлар устида суҳбатлар ўтказиш.

Нутқ маданияти мезонлари

Нутқ маданияти сўзловчи ёки ёзувчи томонидан шакллантирилган матннинг ташқи кўриниши бўлиб фақат инсоний ҳодиса эмас, балки инсоннинг ички кечинмалари билан боғлиқ руҳият ва нафосат, ҳодисаси ҳам ҳисобланади. Нутқнинг қуйидаги мезонлари мавжуд: нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантикийлиги, софлиги таъсирчанлиги.

Нутқнинг тўғрилиги.

Нутқнинг тўғри бўлиши асосий мезон ҳисобланади. Чунки нутқнинг тўғри тузилган бўлиши сўзловчи ва тингловчининг, шунингдек, ёзувчи ва китобхоннинг бир – бирларини тез ва осон тушунишларини таъминлайди.

Агар нутқ тўғри бўлса, аниқ ҳам мантикий ҳам, таъсирчан ҳам бўла олмайди. Нутқнинг тўғри бўлиши, энг аввало унинг адабий тил меъёрларига мувофиқ келишидир. Айниқса, нутқнинг тўғри бўлиши урғу ва грамматик меъёрларга мувофиқ келишидир. Айниқса, нутқнинг тўғри бўлиши урғу ва грамматик меъёрга амал қилишни тақозо этади. Масалан, урғу ўзбек тилида кўпинча сўзнинг охириги бўғинига тушди. Қўшимча қўшилиши билан урғу ҳам кучаяди: талабаларимизга. Лекин урғу олдинги бўғинга кўчган ҳолатлар ҳам мавжуд. Жумладан, феъл, равиш ва айрим олмошларнинг турида урғу олдинги бўғинда: *келди, амма, барча, қушча (ақлнинг йўқ), йигитча (қарияга нисбатан)*. Урғу 3 та вазифани бажаради: *сўзни шакллантиради, бошқа сўзни чегаралайди, маъно фарқлайди*. Сўзга алоқадор урғунинг тури сўз урғуси дейилади. Масалан, урғуси нотўғри қўйилса, маъно ўзгарадиган сўзлар мавжуд: *атлас – атлас, олма – олма, йиғма – йиғма, қўллар – қўллар, ишлар – ишлар, янги – янги, ҳозир – ҳозир*. Сўз урғусидан ташқари мантиқ урғуси ҳам мавжуд бўлиб, нутқнинг тўғрилигини таъминлашда унинг ҳам аҳамияти каттадир. Мантиқ урғусини олган сўз ҳамиша кесимнинг олдида жойлашади. Тингловчига етказилиши шарт бўлган сўзга алоҳида урғу берилади, яъни бўрттирилади:

Мен кутбхонага кеча бордим.

Кутбхонага кеча мен бордим.

Бундан ташқари, маънони кучайтириш учун хизмат қиладиган, ефатик урғу ҳам мавжуд: *Кааатта бино, узууун кўча, чирооойли қиз*. Демак, талаффузда урғуга алоқадор меъёрларни ҳам сақлаш лозимдир.

Грамматик меъёрларга риоя қилиш деганда гап тузиш қоидаларидан тўғри фойдаланиш, ўзак ва қўшимчалар ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш, эга кесим мослигига эришиш, иккинчи даражали бўлакларнинг бош бўлакларга боғланишларнинг қонуниятларига эътибор бериш кўзда тутилади.

Демак, тил хазинасидан керакли сўз, керакли граматик шаклларни танлаш ва ўз ўрнида ишлатиш, яъни нутқнинг тўғри тузилишига эришиш нутқ маданиятининг асосий мезонидир.

Нутқнинг аниқлиги

Аниқлик ҳам нутқнинг етакчи мезонларидан ҳисобланади. Агар нутқнинг тўғрилигини таъминлашда лисоний меъёрлар муҳим ўрин тутса, нутқнинг аниқлигига ташқи факторлар ҳам таъсир кўрсатади. Аниқлик дейилганда табиат ва жамиятдаги нарсалар ва ҳодисалар билан уларнинг атамаси орасидаги мутаносиблик тушунилади. Агар инсон тафаккури, билимлари сўзда аниқ ифодаланмаган бўлса, у тингловчига тушунарсиз бўлиб қолаверади. Мақсад – айтилган фикрнинг тингловчига тушунарли бўлишига эришишдан иборатдир. Шу нуқтаи назардан ушбу мезон нутқ маданиятининг зарур шартидир.

Демак, аниқлик сўзнинг ифодаланаётган воқеаликка тўла мувофиқ келишидир. Номувофиқлик эса нутқий ғализликка олиб келади. Нутқнинг аниқлигини таъминлашда қуйидаги лисоний ҳодисаларга кўпроқ аҳамият бериш лозим.

Синонимларнинг роли.

Ўзбек тилида синонимларнинг имконияти кенг. Синонимлар маъносига кўра иккига бўлинади: тўлиқ синонимлар, маъновий синонимлар. Тўлиқ синонимлар маъносида ва қўлланишида бир-биридан фарқ қилмайдиган, яъни бирининг ўрнига иккинчисини қўллаш мумкин бўлган синонимлардир: *космос – фазо, тилшунослик – лингвистика, поэма-достон*. Тўлиқ синонимлар бошқа тиллардан сўз олиш ҳисобига пайдо бўлади.

Маъновий синонимларда эса сўзлар бир – биридан нозик маъноси билан фарқ қилади: *нам, ҳўл, шалаббо* ҳўллик даражаси ҳар хил. Уларни бирининг ўрнига иккинчисини ишлатиш мумкин эмас. Синонимлар қўлланишига кўра услубий синонимларга ажратилади: *офтоб – қуёш, кўклам – баҳор, ташириф буюрди – келди*. Шунингдек, иборалар ҳам бир-бирига синоним бўлиб келиши мумкин: *огзи қулгоида – боши кўкка етди – огзининг таноби қочди*. Иборалар сўзга синоним бўлади: *тишини – тишига қўйди – чидади*. Фақат сўз ва иборалар синоним бўлиб қолмасдан қўшимчалар ҳам синоним бўла олади: *унумли, серунум, унумдор*.

Шунингдек, сўз ва ибораларни тўғри қўллаш, айниқса кўп маънолилиқ имкониятлардан кенг фойдаланиш, ҳар бир маънони ўз ўрнида қўллаш нутқнинг аниқлигига хизмат қилади. Масалан: *Бўйи мендан каттароқ. Катта сўзининг ўрнига баландроқ сўзини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди*. Аниқлик услублар доирасида ҳар бир услубни ўз ўрнида қўллашни ҳам тақозо этади.

Демак, аниқлик аввало ўзбек тилини чуқур билишни, шу билан бирга уни қўллаш доирасини ҳам пухта ўрганишни талаб этади.

Нутқнинг мантиқийлиги

Нутқнинг мантиқийлиги унинг асосий мезонлари бўлмиш тўғрилиқ ва аниқлик билан узвий боғлиқдир. Ҳақиқатдан ҳам, лисоний жиҳатдан тўғри тузилган материалларни яхши билмаслик мантиқнинг бузилишига олиб келиши табиийдир. Мантиқий изчилликнинг бузилиши тингловчига ифодаланаётган фикрнинг тўлиқ етиб бормаслиги, баъзан бутунлай англашилмай қолишига олиб келиши мумкин.

Нутқнинг мантиқий бўлиши энг аввало сўзловчининг тафаккур қуввати ва қобилияти билан боғлиқдир. Шундан келиб чиқиладиган бўлса, мантиқийлиги фақатгина лисоний ҳодиса саналмасдан, балки нолисоний ҳодиса сифатида ҳам номоён бўлади, яъни нотикдан фақатгина тилни яхши билиш эмас, ўзи мулоҳаза юритаётган мавзу атрофида чуқур билимга эга бўлиш ва ифода жараёнида изчилликни таъминлаш тақозо этилади. Нутқ тўғри тузилмаганлиги, аниқ ифодаланмаганлиги, изчиллик таъминланмаганлиги оқибатида мантиқсизлик келиб чиқади, халқ таъбири билан айтганда “боғдан кириб тоғдан чиқилади”. Чунки, нима ноаниқ тасаввур этилса, ноаниқ ифодаланади. Ноаниқ ифода эса фикр чигаллиги, яъни мантиқсизлик демакдир.

Нутқ мантиқийлигининг асосий лингвистик омили – лексик – семантик ва синтактик меъёрлар ҳисобланади.

Қуйидаги жумлалардаги мантиқсизликка эътибор беринг:

Энди куй ва рақслар тинглаб дам олинг. (“Телевидения”дан). Куйни тинглаш мумкин, лекин рақсни тинглаб бўлмайди-ку!

Буфетчи Тожи Иброхимов китобга 50 сўм қўйиб сотмоқда. Китобгами, китобнинг нархигами? Даврон уни қўярда-қўймай чойга ўтқазди. Суратга олинган акула қуруқликдаги сут эмизувчиларга ўхшаб тухум қўймайди, балки тирик бола туғади. (“Фан ва турмуш”дан). Бундан қуруқликдаги сут эмизувчилар ўлик бола туғар экан, деган мантиқий хулоса келиб чиқади. Аслида муаллиф “Суратга олинган акула тухум қўймайди, балки қуруқликда сут эмизувчиларга ўхшаб тирик бола туғади” – демоқчи эди.

Кўр – кўрона, сўзма – сўз қилинадиган таржималар ҳам мантиқсизликни келтириб чиқаради: Эркак пайпоқлар нархи 30 фоиз арзонлаштирилади.

Ёзувчи А.Қаҳҳорнинг “Адабиёт муаллими” ҳажвий ҳикоясининг бош қарамони Бақижон Бақоевнинг нутқи мантиқсиз нутқ учун характерли мисол бўла олади. Шундай қилиб, нутқнинг мантиқийлиги деганда энг аввало адабий тилнинг лисоний меъёрларга мувофиқ келиши, фикрлар ривожини изчил бўлиши, ҳар бир сўз, ибора аниқ мақсадга қаратилиши тушунилади.

Айниқса, қўшиқ манбаи ҳисобланган шеър нутқ талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим. Қўшиққа катта масъулият юкланади. Чунки хонанда ўз ижроси билан уч кишининг (шоир, бастакор, хонанда) меҳнатини кўплаб тамошабинлар ҳукмига ҳавола этади. Шунинг учун ҳар қандай шеърни қўшиқ қилиб бўлмайди. Шеърнинг нутқнинг талаби оддий нутқнинг талабидан юксакроқдир. Шеърнинг

хар бир сўзи олам-олам маъно ифодалаши лозим. Бунга мумтоз шеъриятимиз мисол бўла олади. Масалан:

Ўқларинг кўнглумга тушган, куйди ҳам кўз ҳам бадан,
Ким куяр улу куруғ чун найистонга тушди ўт.

Ишқ ўқи кўнгулга тушгач, аввало уни кўрган баровар ёнгандек, бутун бадан куйди, кейин худди қамишзорга ўт тушса, ҳўлу куруқ баробар ёнгандек, бутун бадан куяди. Буни бутун кўшиқ қилиб куйлаётган “замонавий ёниш” билан қиёсланг:

“Ёнаман мен,
Куяман мен,
Афсоналар бўламан мен”.

Нутқнинг софлиги

Нутқнинг софлиги деганда унинг адабий тил меъёрларига мувофик келиш, яъни ноадабий қатламлардан ҳоли бўлиши кўзда тутилади.

Нутқнинг софлигига путур етказадиган лисоний унсурлар, яъни ноадабий қатламларга диалектизмлар, варваризмлар (четдан кирган сўзларни ноўрин, ҳаддан ташқари кўп ишлатиш) архаизм кабилар киради.

Нутқнинг софлигини таъминлаш учун уни кераксиз сўз ва иборалардан ҳоли бўлишга эришиш лозим. Шунингдек, ҳар бир услубни ўз ўрнида қўллаш ҳам нутқнинг софлигини таъминайди. Масалан: А.Қаҳҳорнинг “Нутқ” ҳажвий ҳикоясидаги қаҳрамон нутқи нотабий ва самимий нутққа мисол бўла олади: “Ўртоқ рафикам! Ижозат берасиз, хушчақчақ ҳаётимизни шараф билан давом эттириб, оилавий бурчимизни намунали қилаётганимизга бир йил тўлган кунда сизни бевосита табрик қилишга!” Эътибор беринг: суҳбатда ўнлаб, юзлаб, киши эмас, фақат икки киши эр ва хотин иштирок этяпти. Аввал хотин бу гапларни ҳазил деб ўйлайди, “Қийқириб чапак чалди”. Аммо нотиқ жиддий қиёфада нутқни давом эттиради. “Биринчидан”, “иккинчидан” деб оилада бир йил давомида рўй берган ютуқ ва камчиликларни санаб ўтади ва нутқни шундай якунлайди: “Шу билан қисқача сўзимни тамом қилиб, оиламиз бундан кейин ҳам шарафлар билан қопланажагига тўла ишонч билдиришга ижозат беринг”.

Нотиқ нутқини тугатгандан кейин яна аслига қайтади. У ўзини кенг эшитувчилар оммасига мўлжалланган “нотиқ” деб ҳисоблайди, қандай вазиятда нима гапиришни билмайди. Тилнинг амалий қонуниятларини саёз тушунади. Натижада нутқи нотабий ва кулгули чиқади. Тил заргари А.Қаҳҳор ана шундай, ўз таъбири билан айтганда, “бисотидаги бир ҳовуч сўзни айлантириб кун кўриб юрган” лектор устидан кулган.

Оғзаки нутқда баъзан учраб турадиган сўкиниш ҳақорат, қарғиш сўзлари жамиятимизнинг ахлоқ меъёрларига зид ходиса сифатида нутқимиз софлигига ҳам салбий таъсир қилади.

Сўзлашув нуткида баъзан нотик ўз нутқини назорат қилмаганлиги, безътиборлиги оқибатида айрим ортикча сўзларни такрорлашга ўрганиб қолади. Хўш, демак, масалан, яъни сўзлари шулар жумласидандир.

Бир маърузачининг маърузасини кузатган таниқли олим А.Аҳмедов маърузачи ўз нуткида ўртоқлар сўзини 101 марта, яъни сўзини 73 марта, демак, сўзини 60 марта такрорлаганини эътироф этади.

Бир соатлик нутқда 234 та “бекорчи” сўз ишлатилган. Бундай сўзлар ҳам нутқ маданиятига ёт сўзлардир.

Демак, нутқ соҳиби ўз нутқини устида тинимсиз ишлаши, нутқни назорат қилиши, тилга масъулият билан ёндошиши лозимдир.

Нутқнинг қисқалиги ва ихчамлиги

“Чин сўз мўътабар,

Яхши сўз мухтасар”

(Алишер Навоий)

Нутқ маданиятининг яна бир мезони ихчамлик ва қисқалиқдир. Чунки содда ва қисқа нутқ тингловчини зериктирмайди. Айтилаётган воқеа ҳодисалар аниқ, тўғри, мантикий, соф ва равлон баён этилиши ҳам зарур. Катта мазмунли қисқа жумлага жо этиш ҳам сўзловчидан улкан маҳорат талаб қилади. Машҳур сўз заргарлари даражасига эришган шоиру, адиблар шундай маҳорат соҳиблари бўлганлар.

Фикримизнинг исботи учун қуйидаги парчага эътибор беринг:

“Кеча ойдин, қабристон тип-тинч, узоклардан қуръон товуши эшитилади. Икки туп чинор бутокларида қўниб ўтирган уч-тўртта бойкушлар қабр ёнига тизланган Отабек ва юқори, қуйи дўмбайган қабрлар бу тиловатга сомий каби эдилар. Қуръон оятлари қабристон ичида оғир оҳангда оқар эди. Қабр ёнига тиз чўккан йигитнинг кўз ёшлари қуръон оятларига қўшилиб оқар эди. Бирон соатдан кейин тиловат тинди. Отабек ҳолсизланиб, оёқ узра турди ва орқага ярим яланғоч кўлагани кўриб, бир неча кадам қабр томонга тисланди... Кўлага ялингансимон унга яқин юриб келди...

Ким бу?

Мен Кумуш...

Отабек товуш эгасини таниди. Бу мажнуна Зайнаб эди.

Кет мундан!

Мен Кумуш, - деди Зайнаб, аммо кетмай иложи қолмади. Зероки, дунёдаги энг яқин кишиси унга “кет” амрини берган эди. Зайнаб орқасига қарай-қарай Отабекдан узоклашди”.

Келтирилган парчада ёзувчи Отабек ва Зайнабнинг фожеаси қабрда ётган Кумушнинг фожеасидан кам эмаслигини сўз билан таърифлаб ўтирмайди, урғу баёнга берилмайди. Қуръон оятларига қўшилиб оқаётган кўз ёшлари Отабекнинг мусибати нақадар оғир эканини кўрсатиб туради. Отабекни қабр ёнидан қидириб топган мажнуна Зайнаб инсон қиёфасидан чиқиб кетган у

“кўлага”. Отабекни севиб Кумушдан-да сеvimли бўлишни истаб шу куйга тушган. Лекин, шу ҳолатида ҳам Отабекка фақат Кумуш кераклигини фаҳмлайди. Кумуш бўлгиси келади. “Мен Кумуш” дейиши билан Зайнабнинг аянчли қисмати бутун мураккаблигича кўз олдимизга келади. Юқоридаги мухтасар парчада ёзувчи роман қаҳрамонларининг мусибатларини тасвирлайди, китобхон қалбини ларзага солади.

Халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар, маталлар кўшиқлар ихчамликнинг намунаси ҳисобланади. Лекин, ушбу мухтасар сатрлар замирида олам-олам мазмун жо этилган.

Демак, нутқдаги қисқалик ва ихчамлик сўзловчининг лисоний билими, сўзни ўринли танлай олиши, гапларини мухтасар туза билиш маҳоратига боғлиқдир.

“Ёш журналист ва нотиқ” тўғарагининг иккинчи ўқув йили қўлланмаси

1. Нутқ маданияти фанининг бошқа фанлар билан муносабати

Она тили машғулотлари фақат нутқни эгаллаш йўллари эмас, балки ундан фойдаланиш маданиятини ҳам ўргатади.

Нутқ деганда, алоқа жараёнида тилнинг намоён бўлиши, рўёбга чиқиши, воқеаланиши тушунилади. Нутқ ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклда реаллашади. Демак, нутқ маданияти ҳам шу икки шакл асосида ривожланади. Нутқнинг бу икки шакли барча тавсифий тилшунослик бўлимларида ўрганилади, шундай экан, нутқ маданияти бу фанлар билан бевосита муносабатдадир.

Нутқ маданияти тавсифий тилшунослик бўлимлари бўлган фонетика, орфоэпия, орфография, лексикология, лексикография, морфология, синтаксис, семантика, услубият каби фанларга асосланган ҳолда иш кўради.

Нутқ маданияти *фонетика* ва *орфоэпия* билан чамбарчас боғлиқ. Орфоэпия товушларнинг талаффуз хусусиятларини ўрганади, адабий талаффуз меъёрларини белгилаб беради, нутқ маданияти эса ана шу талаффуз меъёрларига асослангандагина тўғри нутқ бўла олади. Фонетика нутқ товушларини, урғу, оҳанг, нутқнинг товуш қурилишига оид масалаларни ўрганади. Табиийки, ёзма нутқда оғзаки нутқдаги жуда кўплаб фонетик-интонацион хусусиятларни пунктуация акс эттира олмайди. Ҳар бир ёзма нутқ ҳам дастлаб “ички” оғзаки нутқ шаклида тузилади, сўнгра ёзма нутққа айланади. Машҳур инглиз ёзувчиси Бернард Шоунинг “...нутқда “ҳа” дейишнинг эллик усули ва “йўқ” дейишнинг беш юз усули бор, аммо бунини ёзишнинг эса фақат битта усули мавжуд, холос” деган гапини тилшунослар кўп эслашади. Масалан, “йўқ” сўзи қисқа ва кескин талаффуз қилинганча (йўқ) узил-кесил рад жавоби англашилади, бу сўз чўзиб талаффуз қилинганда эса (й-ў-ў-қ) “ундай эмас, бундай” деган маъно англашилади.

Нутқ маданияти сўзларни нутқ танлашда *лексикология*нинг маълумотларига таянади. Чунки тилнинг луғат бойлиги етарли даражада билмасдан туриб маданий нутқ тузиш мумкин эмас. Масалан, ижобий маъно киррасида эга бўлган салбий маъно киррасида эга бўлган сўзлар билан ўзаро муносабатга кириша олмайди: Бетингни юв! Юзингни юв. Чехрангни юв. Биринчи мисолда кескин буйруқ тарзида (бетини ювмаса бўлмайди!), иккинчи мисолда эса мўътадиллик маъносини (юзини ювса яхши бўлар эди) англанилса, учинчи мисолда сўзлар бир-бирлари билан муносабатга кириша олмайди.

Сўзлар ва уларнинг маъно тавсифи луғатларда жамланади. Шу сабабли керакли сўзни танлаш, маъносини тўғри тасаввур қилиш, ўрнини алмаштирмаслик учун, яъни маданий нутқ тузиш учун луғатлар зарур.

Нутқ маданияти *бадий адабиёт* билан узвий боғлиқ. Чунки нутқ алоқа воситаси сифатида муайян ахборот ташувчи бўлиб қолмай, балки тингловчига таъсир қилувчи кудратли восита ҳамдир. Бадий нутқ бадий адабиётнинг баён қилиш воситаси саналади.

Нутқ маданияти *мантиқ* фани билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Мантиқ тафаккур шакллари, қонунлари ва усуллари ўрганади. У тушунча, ҳукм шакллари, ҳулоса чиқариш, исбот ва рад этиш ҳолатлари орқали объектив воқеаликнинг инъикос этиш жараёнида қандай бўлиш йўллари кўрсатиб, инсон фикрининг аниқ, равшан, кетма-кет ва асосли бўлишни таъминлайди.

Нутқ маданиятининг *социология* фани билан боғликлиги муайян бир тилда гаплашувчи жамиятнинг социал гуруҳланишининг хилма-хиллигидадир. Шунга кўра ҳар қайси гуруҳнинг ўзига хос нутқий жараёни мавжуд. Масалан, ҳудудий фарқланиш, касбий фарқланиш ва бошқалар. Ана шунга кўра ҳар қайси социал гуруҳнинг ўз нутқи асосида фарқланиши, унинг ижтимоий сабабларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ахборотни етказишнинг асосий воситаси тилдир. Аммо ахборотнинг тўлиқ тушунарли бўлиши учун *нолингвистик* воситалар имо-ишора, юз ифодаси, бошни қимирлатиш, гавда ҳаракатлари, макон яқинлиги, овоз табиати, кийимлар, сўзловчининг ижтимоий ва бошқа мақоми каби хилма-хил омиллар нутқ жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Демак, нутқ маданияти фанлар системасида бир қанча фанлар билан узвий алоқададир. Бу алоқаларсиз нутқнинг ўзига хос томонларини очиб бериш мумкин эмас.

2. Миллатлараро мулоқот маданиятини шакллантириш.

Миллатлараро мулоқот инсон ҳаётининг барча жабҳасида, жумладан, таълим жараёнида, ишлаб чиқаришда, ижтимоий-иқтисодий, савдо ва маданий муносабатларда зарур ҳисобланади. Бу мулоқотнинг характери муайян мамлакатнинг тарихий ўтмиши, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан бевосита боғлиқ.

Миллатлараро мулоқот маданияти тушунчаси деганда кўп билим ва қатъий ишончнинг уйғунлашган мажмуи тушунилади. Бунда шахсларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳолатлари ўзаро мувофиқ келиши керак. Шу асосда шахслараро очиқ мулоқот, ҳамкорлик ва турли-туман алоқалар вужудга келади. Турли миллатларнинг ўзаро бир-бирини тушунишлари асосида жамиятда бағрикенглик ва ҳамкорлик муҳити пайдо бўлади. Жумладан, турли миллатнинг тили, фаолияти, анъаналари, урф-одатлари, байрамлар ва турмушнинг бошқа маданий шакллари ўз аксини топади.

Амалий машғулот: Турли миллатларнинг тили, миллий либослари ва жиҳатлари билан ўзаро бир-бирларини тушунишларини кўрсатиб бериш. Бунда ўқувчиларга турли миллат вакилларининг кўринишлари, миллий либосларини қоғозда акс эттириш билан бирга уларга таъриф беришлари ҳақида топширик берилди.

3. Оғзаки нутқ ёки ёзма матнда руҳий ҳолатнинг акс этиши.

Маълумки, турли фанларда руҳий ҳолат инсон психологияси механизмини ўрганиш асносида тадқиқ этилса, лингвистикада руҳиятнинг тилдаги ифодасига асосий эътибор қаратилади. Чунки инсон руҳий ҳолатини ифодалашда тил энг кучли восита ҳисобланади. Албатта, матн ҳамма вақт ҳам руҳий ҳолатни тўлалигича ифодалаб бера олмайди. Чунки руҳий ҳолат ифодасида сўзлашув нутқидаги барча фонетик ҳодисалар (оҳанг, урғу кабилар) матнда тўла акс этмаслиги мумкин. Ҳар бир шахс ўз руҳий ҳолатини нутқи орқали бирдай ва тўлақонли ифодалай олмайди. Кимдир ўз руҳий ҳолатини теран, кимдир жуда ғариб тарзда ифодалаши мумкин. Нутқдаги ифодадан ҳам мураккаброқ жараён-руҳий ҳолатни матнда бера олиш маҳоратидир. Матнни психолингвистик таҳлил қилинганда, матнда ифодаланган эмоция турларига кўра 6 тури бор: 1) ёруғ матнлар; 2) қоронғи матнлар; 3) қайғули матнлар; 4) қувноқ матнлар; 5) чиройли матнлар; 6) мураккаб матнлар.

Бадиий матнда инсон руҳий ҳолатини образли ифода этиш ижодкорнинг тил воситаларидан фойдалана олиш маҳоратига боғлиқ. Инсон руҳий ҳолатини образли тасвирлаш рационал тафаккур ва рационаллик асосига қурилган тил бирликларидан ўз ўрнида мақсадли фойдаланишни тақозо этади.

Инсон ички руҳиятини акс эттиришда алоҳида руҳий ҳолатни ифодаловчи сўзлар ўзига хос ўрин тутди. Ўзбек бадиий прозасида ҳам инсоний ҳиссиётлар ифодаси берилган микроматнлар кўплаб учрайди. Ҳиссиёт ифодаси берилган микроматнлар бадиий асарларда турли ҳолатлар воситасида юзага келади. Улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Асар персонажининг кечинмалари унинг нутқидан англашилади:

“Бирон кимсага лом-лим деб оғиз очолмайман, аччиқ-аччиқ куламан, холос.” (Х.Дўстмуҳаммад. “Ҳижроним мингдир менинг” қиссаси.)

2. Персонажнинг руҳий ҳолати асар муаллифи нутқи воситасида берилади. Бунда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

а) персонажнинг руҳий ҳолатини бевосита баён қилиш:

“Эшикдан қоқиниб-суриниб Салоҳиддин заргар кирди ва уйдан чиқаётган табибга тўқнашиб йиқилиб тушди.” (О.Ёқубов. “Улуғбек хазинаси” романи.)

б) табиат тасвири орқали персонажнинг руҳий ҳолатига ишора қилади:

“Куз тонги салқин ва хушхаво бўлади; энди қуёшнинг тафти тонгги қировларнигина эритишга зўрға етади; субҳисодикданоқ бу ерларни ташлаб кетаётган қушларнинг сайроғи, қийқириклари қулоққа чалинади. (Н.Эшонқул. “Момоқўшиқ” қиссаси.)

Нутқда руҳий ҳолат ифодаси учун ҳам фразеологизмлардан унумли фойдаланилади. Масалан, ўзбек тилида кенг қўлланувчи “боши осмонга етди, бу ерни елкамнинг чуқури кўрсин, ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмадим” иборалари инсон руҳий ҳолатини акс эттирувчи луғавий бирликлар инсон руҳий ҳолатини образли ифодаловчилардир. Масалан, ғазабланди феъли ўрнида “тепа сочи тикка бўлди” ёки “кўркди” феъли ўрнига “юрагим нақ ёрилди” фразеологизмларининг ишлатилиши нутқда коннотатив маънони ҳосил қилиш билан бирга инсон руҳий ҳолати ҳақида ҳам хабар беради. Фразеологизмлар руҳий ҳолатини ифодалашда муболағавий ҳолатни ҳосил қилади. Шу сабабли нутқ эгаси фразеологик бирликлардан унумли фойдаланишга интилади. Бу ҳолат ўзбек тилида экспрессив бўёқ орқали фикрни узатишга мойилликнинг мавжудлигидан далолат беради. Ўзбек тилида руҳий ҳолат ифодаси учун қўлланувчи фразеологик бирликлар фикрнинг эмоционаллик даражасини оширишга хизмат қилади.

Амалий машғулот: Ўзбек бадиий прозасида кўплаб учрайдиган инсоний ҳиссиётлар ифодаси берилган микроматнлар ўқиш.

4. Тез ўқиш малакаси қандай шаклланади?

“Дунёда яхши китоблар кўп. Бироқ улар китоб ўқишни билганлар учунгина яхшидир” – деб алломларимиз бежиз айтишмаган. Муталаа қилишни севган киши олдида битмас – туганмас хазиналар эшик очади. Китоблар орқали ўқувчиларга тарихимиз билан таништиради, қахрамонлар ўй-ҳаракатларига ошно бўлади.

Китоб ўқишнинг турли хил йўллари мавжуд. Кўп китоб ўқиш, вақтдан унумли фойдаланиш учун ўқувчиларда тез ўқиш қобилиятини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Ўқувчи кўп ва тез ўқишни ўрганиши керак. Ўқиш жараёни мутлақо ихтиёрий тарзда бўлишига, фикрнинг чалғимаслигига эришиш лозим. Ўқилган нарса ҳақида ўқувчи ўзига ҳисобот ҳам бериши керак.

Ўқувчи ўзини қизиқтирган бадиий, илмий адабиётлар билан ҳам танишиши керак.

Амалий машғулот: Ўқувчиларда тез ўқиш малакасини шакллантириш учун сонларни ўсиб бориш, тартибида, ҳарфларни эса алифбо тартибида кўз орқали топишлари талаб этилади. Бунда 25 сонни 40-50-секундда (энг кам кўрсаткич) топиш керак.

X	20	6	I	O	G	12
14	T	R	CH	23	4	H
K	8	18	D	15	F	3
I	3	A	.	G	17	9
L	21	S	24	E	M	22
1	10	13	5	P	SH	B
16	J	N	19	13	7	Y

1	9	11	19	3
13	6	16	20	25
30	21	14	23	7
24	15	4	28	17
29	27	2	26	5

Кейин матнда берилган сўзлардаги ҳарфларни ўчириб ўқишни ўргана бошланади. Масалан: “Қад...мда бир к...ши б...лган э...ан. У...инг ёлғ...з ўғл... б...р э...ан.”

“Сўздан сўз” усули. *Бесаранжом* сўздан сўзлар тузиш:

Арра	арман	сабр	сара
асар	бемор	сабо	расм
анор	роман	маржон	нор
аср	сероб	Санжар	ном

5. Шеър, ғазал мазмунига хос ҳолатга кириш маҳоратлари.

Амалий машғулот: Турли хил мавзулардаги илгари сурилган ғояларни аниқлаш, моҳиятини ва унинг таъсирини англаш, шеър ва ғазаллардаги воқеаликка кириш.

6. Халқ ижоди жанри. Мақоллар.

Ҳар бир ўқувчи болалигидан мақоллар эшитиб катта бўлган, уларга амал қилишга ўргатилган. Мақоллар ҳар бир миллат ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиб, халқнинг турмуш тарзига кўра ўзига хослик касб этади. Мақоллар йилдан йилга ўтиб келувчи комиллик, одоб, сахийлик, қобиллик сингари яхши амалларга ундовчи эзгу фикрлар мажмуидир.

Ўзбек тилида мақоллар маъно жихатидан мардлик, дўстлик, ҳақиқатгўйлик каби эзгу фазилатларни рағбатлантирувчи турларга бўлинади, масалан, *ҳақиқатгўйлик ифодаловчи мақол*: Бошингга қилич келса ҳам рост гапир. *Дўстликни улугловчи мақол*: Дўст билан обод уйинг гар бўлса у вайрона ҳам. *Мардлик ҳақидаги мақол*: Балиқ сувнинг чуқурини, мард ишнинг қийинини излар. *Мақоллар стилистик жиҳатдан ҳам турли шаклларга эга, яъни: Аллитерация*: Таши ялтироқ, ичи қалтироқ. *Параллелизм*: Бор товоғим кел товоғим, бормасанг, келмасанг, ўртада син товоғим. *Қофия*: Ҳечдан кўра кеч. *Элипсис*: Еган оғиз уялар. *Гипербола*: Жангда ҳамма баробар. *Парадокс*: Очлик кўрмагунча тўқлик қадрига етмайсан.

Мақоллар улкан маънонинг лўнда гап билан ифодаланган шаклидир, чунки биргина мақолда панд-насихат, одоб, ўй-қараш каби фикрлар мажмуи жамланмасидир.

Амалий машғулот: Мақолларни мисоллар асосида ўз фикрларини ифодалаш. Турли мавзулардаги мақолларни ёд олиб келиш.

7. “Менинг сеvimли китобим”, “Мен ёқтирган қахрамон”.

Мутоала қилинган шеър ёки бирор бадиий асар юзасидан “Менинг сеvimли китобим”, ўқиган китобидаги қахрамонларни “Мен ёқтирган қахрамон” мавзусида ўқувчи ўз таассуротларини мустақил баён этиш.

Амалий машғулот: Мутоала қилинган китоблардан таассурот ёзиш.

8. Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ғазал ва рубойлари.

Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ва буюк саркарда ва истеъдодли шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, ғазал ва рубойларини бутун жаҳон таниган. Алишер Навоий кўплаб бир-биридан мафтункор ғазал, рубой, китъалар ёзиб, халқимиз қалбидан чуқур жой олган даҳо, ғазалнафис шоир бўлса, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бетакрор шеъриятида бутун ҳаёти давомида кўнгил софлигига алоҳида аҳамият берганлиги ва доимо яратувчанлик иштиёқи билан яшаганидан далолат беради.

Амалий машғулот: Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ғазал ва рубойларини ифодали ўқиш.

Ғазалар

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас.

Не баҳра топқамен андики, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳрайи андин тилармен баҳраманд этмас.

Нетай ҳур-у пари базминки қатлим, ё ҳаётимға
Аён ул заҳри чашм айлаб, ниҳон бу ношханд этмас.

Керакмас ой ила кун шакликим, ҳушу малоҳатдин
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Кўнгул уз Чархи золидин фирибин емаким, охир
Ажал сариштасидин ўзга бўйнунгға каманд этмас.

Ул ой ўтлуғ юзин очса Навоий тегмасун, деб кўз
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

Китъа.

Навий. Тилинг асрагил зинҳор,
Десангким, емай қаҳр ишидин фусус.

Назар қилки, ўқ оғзи тилсиз учун,
Қулур тожварлар била дастбўс.

Неча тожвардур кесарлар бошин,
Чу хангомсиз нағма тортар хурус.

Рубоий.

Жонимдаги “жим” икки долингға фидо,
Андин сўнг “алиф” тоза ниҳолингға фидо,
“Нун” даги анбарин ҳилолингға фидо,
Қолған ики нуқта икки холингға фидо.

(Алишер Навоий)

Рубоийлар.

Оворалиғ аср-у хонумондин яхши.
Бир гўша манга икки жаҳондин яхши,
Оворалиқ бўлурми яхши эрмас демагил,
Бўлсам агар овора не андин яхши.

Беқайдмен-у хароби сийм эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен.
Кобулда иқомат қилди Вовур, дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен.

Аҳбобға ҳар хатка савод этгайсен,
Бизни дағи ул битикда ёд этгайсен,
Мақсудки қосиди агар келса бу ён,
Бир нома била кўнгулни шод этгайсен.

Қиш бўлди-ю бўлди барча том-у тош қор,
Жамияти бор кишига бордур хуш қор,
Бу қишда ёмон йўл-у паришон ҳолим,
Ё раб, мени яхшилиқ сариға бошқор.

(Заҳириддин Муҳаммад Бобур)

9. Мактуб ёзиш усулидан фойдаланиб асарларни таҳлил қилиш.

Мазкур усул ўзбек адиблари асарларини ўрганиш чоғида ўқувчиларга ўзбек адабиёти асарларида акс эттирилган воқеаликни ишонарли ва самимий тарзда акс эттирилгани билан ажралиб туришини алоҳида эътироф этиб, адиб асарларини мутоала қилинади. Мутоала якунида эса ўқувчиларга ўз таассуротларини мактуб орқали бир-бирлари билан фикр алмашади.

Амалий машғулот: Ўрганилган асарлар орқали фикр алмашиш ўқувчиларни бирор ёзувчининг ижоди билан яқиндан танишишга, асарларда акс этган воқеаликни мустақил таҳлил қилиб, уларга муносабат билдириш.

10. Фаридиддин Атторнинг “Пир ва шоҳ” ҳикоясини ифодали ўқиш ва таҳлил қилиш.

Жаҳон адабиётининг етук намоёндаларидан бири Фаридиддин Аттор (тахаллуси; асл исми-шарифи Муҳаммад Абу Бакр ибн Иброҳим) 1148/51-1219/21 йилларда Нишопур вилоятида яшаб ўтган деб тахмин қилинади. Асарларида тасаввуфни тарғиб қилгани учун мутафаккир аллома Фаридиддин мақомига сазовор бўлади.

Аттор “Пир ва шоҳ” ҳикоятидаги бош мақсад, аввало, нафсни таниш, нафсга қарши курашиш ва уни поклашдир.

“Қадим замонларда мол-мулки беҳад зиёд бир бир подшоҳ яшаган бўлиб, ҳатто етмиш ёшга кирганида ҳам ўй-хаёлини бойлик тўплаш орзуси тарк этмаган эди. Шу ўлкада доврўғи етти иқлимга таралган пири комил фақирона умргузаронлик қилар, илму ҳунари билан улусга кўп фойдаси тегарди.

Кунларнинг бирида ҳалиги шоҳ зотнинг ҳузурига келиб, иккисидан қайси бири устунлиги, унга ўзиникидан афзалроқ нимаси борлигини сўради. Унга жавобан пир деди:

-Нафсининг эшак қилган сени,
Бўйнингга боғлаб қўйган нўхтани.
Истаган томонига боўлайди ул,
Сен нафсингни қулисан, доимий қул.
Мен эса нафсимни қилганман эшак,
Бошлаган ёғимга йургай, қилмай шак.
Мен бу нафсининг шоҳиман, нафсим-қулим,
Мен сендан яхшироқман, ойдин йўлим.”

Шу ўринда ўқувчилар билан қаноат ва нафс ҳақида мушоҳада юритиш орқали бу икки тушунчанинг ўрни англаб етилишига замин яратади. Ўзига сабр-тоқат ва шукроналикни касб этган пир комиллик тимсоли. У нафсоний истакларини ўз измига бўйсундира олган инсон. Ҳаёт мазмунини эса фақат моддий неъматларда деб билган подшоҳ худбинлик қутқуларига учраган бир кимса. Иккисининг фарқи жиҳатлари ҳам ана шундалиги кўриниб турибди.

Амалий машғулот: “Пир ва шоҳ” ҳикояти матнини ифодали ўқиб, таҳлил қилинади.

11. Микрофон билан ишлаш.

Репортаж. Репортаж-лотинча reportare сўзидан олинган бўлиб, хабар бермоқ деган маънони англатади. Мазкур жанрнинг вазифаси воқеа содир бўлган жойнинг ўзидан матбуот, радио, телевидение орқали зудлик билан хабар етказишдир.

Репортаж композицияси:

- воқеа-ҳодиса содир бўлган жойни тасвирлаш;
 - теварақ-атроф ҳолатини тасвирлаш;
 - кутилаётган воқеа-ҳодисанинг мазмунини.
- Характерли томонлари: динамиклик, жўшқинлик.

Синтактик хусусиятлари:

- бир составли гаплар;
- эгасиз гаплар.

Репортажнинг асосий хусусиятлари:

1. Репортаж долзарб, ҳолис, оператив ва ҳужжатларга асосланган бўлиши керак.

2. Муаллиф кўрсатмалари бўлиши керак.

3. Нима? Қачон? Қерда? Қандай қилиб? Саволларига жавоб бўлиши керак.

4. Репортажнинг мақсади:

- хабар бериш;
- таъсир қилиш;
- баҳолаш.

5. Қолипли ва образли ибораларни бирга қўллаш.

Интервью. Интервью-инглизча interview сўзидан олинган бўлиб, учрашув, юзма-юз суҳбат деган маъноларни билдиради. Журналистика фахри матбуот, радио ёки телевидениеда бериш учун мухбирнинг бирор шахс билан ўтказган суҳбати ва шу суҳбатнинг матнидир.

Интервью композицияси:

Интервьюда қаҳрамонни оригинал шаклда кўрсатиш.

Интервьюнинг асосий қисмини савол-жавоблар ташкил этиш.

Берилган савол қисқа, лўнда ва одоб билан берилиши керак.

Охирги савол сарлавҳа ва интервьюнинг бошланишига мос тушиши керак.

Интервью асосий томонлари:

1. Ўқувчи билан алоқа ўрнатиш, қизиқиш уйғотиш.

2. Интервьюнинг энг муҳим муваффақиятлари-яхши ва чиройли саволлар тузиш.

Амалий машғулот: Репортаж, интервью жараёнларини ўтказиш.

12. Эркин мавзуда монолог ёзиш ва ифодали ўқиш..

Амалий машғулот: Ўқувчи ўзининг танлаган мавзусида мустақил монолог ёзиб, уни ифодали ўқиб эшиттиради.

13. Ўзбек шоирларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида мақола тайёрлаш.

Амалий машғулот: . Ҳар бир ўқувчи ўзбек шоирларидан бирини танлаб, ўқиб, ўрганиб, уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида мақола тайёрлайди.

14. “Сўзлаш одоби” мавзусида ижодий баён ва таҳлил.

Амалий машғулот: Бу мавзуда ўқувчилар ўзаро бир-бирлари билан бўлган муносабатларини, ҳурмат ва эътиборларини ўртоқлашиб фикрларини баён этиб, таҳлил қиладилар.

15. Диалогик матн тайёрлаш.

Амалий машғулот: Ҳар икки ўқувчи ўртасидаги турли мавзулардаги сўзлашувлардан (диалоглардан) матн тайёрлаш. Тайёрланган матнни бошқа ўқувчилар билан фикр алмаштириш. Матн ҳиссиёт ифодаси акс этган микроматнларнинг қайси турлари воситасида юзага келганлиги аниқланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент. Маънавият. 2008
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонунлари.
3. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. Шарқ матбаа-нашриёти, 1997.
4. Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 мартдаги 69-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган Давлат талаблари”.
5. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Шарқ нашриёт - матбаа концерни. 1999 йил 2- махсус сони.
6. Ўзбек халқ мақоллари. Тошкент. 1990
7. Таффакур гулшани. Тошкент. 2000
8. Тил ва адабиёт таълими. Тошкент 2013, 2014.

Электрон манбалар:

9. “Ziyonet”.uz
10. Barkamol.uz